

“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADO LAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 25 (936)

2013-yil, 21-iyun, juma

Ватан равнақи, тинчлик-тотувлик, халқимизнинг фаровон ҳаёти

истиқлол йилларида қўлга киритган
энг катта бойлигимиздир

Муносабат

Ҳаётимиздаги энг улуғ, энг азиз байрам — истиқлолимизнинг йигирма икки йиллиги яқинлашиб келмоқда. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ҳар биримизнинг ҳаётимизда ёруғ ва муқаддас тарихий воқеа бўлиб қолган бу умумхалқ шодиёнасини муносиб равишда қутиб олиш ва кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида олиб борилаётган тайёргарлик ишларига янгича маъно ва мазмун бахш этди.

Даврнинг бугунги тезкор шиддати қарамай, истиқлол шароитида ўтаётган умримизнинг ҳар бир йили келгуси авлодларга намуна бўлгудек зарҳал саҳифа сифатида мамлакатимиз тарихидан, миллий истиқлол соломасидан жой олади. Ҳар бир йил жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида, одамларнинг тафаккури, дунёқараши ва турмуш тарзида, янгича шароитда ўсиб-ўлғаяётган ёш навқирон авлод онг-шуурида

алоҳида из қолдиради. Шу маънода кейинги йигирма икки йил ичида кечган ҳаётимизга назар ташласак, уларнинг ҳар бири, ҳар ойи, ҳар лаҳзаси давлатимиз раҳбари Ислам Каримов бошчилигида эришган ютуқларимиз мазмунига кўра ой ва йил тушунчаларини ортда қолдириб, янада кенг ва чуқур мазмун-моҳият касб этганига гувоҳ бўламиз.

3 ➤

«Адолат» мени қўллади

“Аёллар қаноти” ташаббуси ва Марказий банк қўмағи билан андижонлик аёлларга имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди

2013 йил — “Обод турмуш йили”

Мамлакатимизда ҳар бир йилга шу давр ичида тараққиётнинг муҳим йўналишларини ифода этадиган ном бериш эзгу анъанага айланган. Долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, йил давомида амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнга инвестициялар ажратишда нафақат давлат, балки нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳам иштирок этмоқда. Энг муҳими, буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган ишлар изчиллигини таъминлаш, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг янада равнақ топишига хизмат қилади.

2 ➤

Жамоатчилик назорати

фуқаролик жамияти ривожининг муҳим шарти

Ҳаётнинг бугунги тезкор шиддати, жамоатчилик назорати функциясини бажариш журналистлардан ҳам касб маҳоратларини муттасил ошириб боришни, мамлакат, миллат, жамият олдида турган энг муҳим, долзарб вазифаларни янада теран идрок этишни талаб этмоқда.

4 ➤



Биз — мустақиллик
бунёдкорларимиз



Коллеждан — корхонага, бизнес лойиҳадан — амалий ишга

ёки Самарқандда ўтказилган бир
тақдимот ёш мутахассисларнинг меҳнат
бозоридаги ўрнини аниқлашга қай
даражада кўмаклашгани хусусида



Тафсилотлар хусусида мулоҳаза юритишдан аввал битта маълумотни таъкидлаб ўтишни истардик. Самарқанд вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тақдимот аллақачон анъанавий тус олиб, меҳнат бозори учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган “Энг яхши мутахассис” ва “Энг яхши бизнес лойиҳа” тақдимотлари иш берувчилар ишончини оқлабгина қолмай коллежлардаги таълим-тарбия жараёнларининг бугунги кун талабларига қанчалик мос келиши ва ёшлар сиёсатида эътибор ҳокимият идораларининг доимий назоратида турганлигини намён этмоқда.


2 ➤



Билимлар беллашуви

Таълим

Халқ таълими вазирлиги томонидан 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб тизимда таълим сифатини оширишга қаратилган янгиланган сифатида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг фанлар бўйича билимлар беллашувларини ташкил этишнинг тўрт босқичли (мактаб, туман, вилоят ва республика) механизми ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.



Билимлар беллашувининг ўтказилишидан асосий мақсад ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорларини қуйи синфдан аниқлаш ва ривожлантириш, мактабларда соғлом рақобатни ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ошириш, Давлат таълим стандартларида белгиланган талабларнинг бажарилишини ўрганиш, умумтаълим мактаблари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолиятига ҳолисона баҳо бериш, уларнинг рейтингини аниқлашдан иборат.

Билимлар беллашувларининг биринчи (мактаб) босқичи 2012 йил декабрь-январь ойларида, иккинчи (туман, шаҳар) босқичи январь-февраль ойларида, учинчи (вилоят) босқичи март ойининг охириги ўн кунлигида ўтказилди.

2013 йил 14-28 июнь кунлари Тошкент шаҳрида билимлар беллашувининг якуний Республика босқичи бўлиб ўтади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 522 нафар ўқувчилар иштирок этади.

8 ➤

Иш ўринлари ташкил этишга доир қарорларни

бажармаганлик учун жавобгарлик
кучайтирилмоқда

Қонун ижодкорлиги

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чораларини либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг мажлисида қизғин муҳокама этилиб, иккинчи ўқишда маъқулланди.

3 ➤

Фаолият

Коллеждан — корхонага, бизнес лойиҳадан — амалий ишга

ёки Самарқандда ўтказилган бир тақдимот ёш мутахассисларнинг меҳнат бозоридаги ўрнини аниқлашга қай даражада кўмаклашгани хусусида

Давоми. Боши 1-бетда

Тақдимот давомида жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган маълумотларга кўра, 2012-2013 ўқув йилида вилоятдаги 158 та касб-хунар коллежларини 60 794 нафар ёш кадрлар битириб чиқиши кутилмоқда. Шундан 30 883 нафарини қизлар ташкил этади. Республика Вазирилар Маҳкамасининг шу йил 10 январдаги мажлиси баёни асосида вилоятдаги 57 971 нафар ёки жами битирувчиларнинг 95,4 фоизи 19987 та корхона-ташкilotта амалиёт ўташ ва кей-



инчалик ишга жойлаштириш мақсадида уч томонлама шартнома асосида бириктирилган.

Ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича Республика ҳукумати томонидан қўйилаётган ниҳоятда муҳим ва масъулиятли вазифани бажариши учун Самарқанд вилоятидаги ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда барча манфаатдор ташкилотлар қандай имкониятларни ишга солишмоқда? Коллеж битирувчиларининг ёш мутахассис сифатида корхонада муқим ишлаб кетиши ёки ўзи муқимлик фаолият юритиши, хусусий бизнес билан шуғулланиши, банклар томонидан молиявий кўмак олиши учун

ҳамма шароитлар яратилаётими?

Таъкидлаш ўринлики, вилоятдаги касб-хунар коллежлари битирувчиларини мақсадли ва аниқ манзилли тартибда бандлигини ишлаб чиқилган "Вақтинчалик тартиб" асосида жорий йилнинг март-апрель ойларида барча манфаатдор томонлар билан амалий учрашувлар ўтказилди. Натижада 46 452 нафар битирувчиларнинг ота-оналарига фарзандлари қафолатли иш билан таъминланиши ҳақидаги ваколатли берувчи махсус сертификатлар топширилди. Бундан аввалроқ эса вилоятда фаолият кўрсатаётган корхоналар, фермер хўжаликлари ва ташкилотлардан иш берувчи сифатида 48 890 нафар битирувчи кичик мутахассисга бўлган талаб, тўланадиган ойлик маош миқдори ҳамда ишга қабул қилиш мuddати аниқ кўрсатилган буюртмалар олинди.

Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармалари томонидан кўп меҳнат ва харажат талаб қилмайдиган кичик ҳамда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун 14 та йўналиш бўйича намунавий бизнес режалар тузилиб, касб-хунар коллежларининг интернет тизимидаги ёзма ва электрон сайтлар орқали битирувчиларга етказилди.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 20 минг нафар коллеж битирувчиси учун махсус ўқув ташкил этилиб банк, молия, солиқ идоралари ҳамда Савдо-саноат палатаси мутахассислари томонидан 26 соатлик амалий машғулотлар ўтказилди.

Ва, ниҳоят Марказий банкнинг вилоят бошқармаси ташаббускорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 20 минг нафар ёш мутахассисга 20 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилиш жадвалини тасдиқлади. Ҳозиргача ана шу маблагнинг 7,1 миллиард сўмлик қисми энг яхши бизнес лойиҳалари эгаларига топширилди.

"Энг яхши мутахассис" ва "Энг яхши бизнес лойиҳа" тақдимотлари ҳам коллеж битирувчиларининг меҳнат бозорида ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш мақсадидаги кўп қиррали ҳамкорликларнинг мантқий давоми десак, сира янглишмаймиз.

Тақдимотда иштирок этган жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда коллеж битирувчиларининг ота-оналари, устозлари ёшлар фантазияси нечоғли жозибадор, маҳорати, билим-кўникмаси салмоқли ишларга қодир эканлигининг яна бир бор гувоҳи бўлдилар.

Самарқанд банк коллежи ўқувчиси Нурсалим Умаров иқтисодиёт ва экология учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бизнес лойиҳаси билан кўпчиликни қизиқтириб қўйди. Полэтилен маҳсулотларини қайта ишлаб гранула хомашёсини олишга асосланган мазкур лойиҳага "Микрокредит-банк"нинг вилоят бўлими томонидан 56 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

— Мен ўз тақлим билан "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббуси билан ўтказилган танловда "Республикадаги энг яхши инновацион ишлаб чиқариш лойиҳаси" ғолиби деган номга сазовор бўлдим, — дейди ғоя муаллифи. — Энди узоғи билан уч ҳафта ичида иккиламчи полиэтиленни қайта ишлаш технологиясига эгалик қилиб, ўз ишлаб чиқаришимни йўлга қўяман.

Тақдимотнинг яна бир иштирокчиси — Самарқанд темирйўл транспорти коллежи ўқувчиси Зебо Нейматова туризм инфратузилмасини ривожлантириш, уни халқаро андозаларга мослаштириш бора-бора изланувчанлиги, кўйинчақлиги билан кўпчиликни, ҳатто сайёҳлик ташкилоти вакиллари ҳам қайратга сола олди.

— Мен йўл давомиде меҳмонларга инглиз тилида хизматларни тақлим этадиган шинам қаҳвахона очмоқчиман, —

дейди бўлғуси тадбиркор. — Бунда ўрганганим асқотади. "Халқ банки" бизнес лойиҳам бўйича 11 миллион сўмлик кредит бериш ҳақидаги муножаатимни маъқуллади.

— Истеъмол бозорини кўп марта кузатганман, — дейди Самарқанд банк коллежи ўқувчиси Дилшод Мамаридаев. — Бир қарашда кичик ва арзимасдек туюлган музқаймоқ чўпчалари етишмас экан. Кунига юз минглаб қадок музқаймоқ сотувга чиқарилаётганини назарда тутсақ, менинг лойиҳам ана шу етишмовчиликнинг ўрнини тўлдириш ва яхшигина фойда олишга имкон беради.

Ровамак қурилиш ва миллий меъморчилик коллежи ўқувчиси Феруз Жўрақулов эса картошқачиликни ривожлантириш ва янги уруғлик етиштиришни кўзда тутган бизнес лойиҳасини тақлим этади. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, янгича шароитларда йилга икки марта сара ҳосил етиштириш ва банк кредитини бир йилдаёқ тўлиқ қайтарган ҳолда даромад эгаси бўлиш мумкин.

Жомбой иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Сарвиноз Расулованинг тикувчилик цехи очиб, 4 кишини иш билан таъминлаш, болалар кийимларини арзон ва сифатли тайёрлаб, ўз миқдорларини топиш ҳақидаги бизнес лойиҳаси ҳам "Халқ банки" вакиллари томонидан 1 миллион 800 минг сўмлик кредит сертификати билан тақдирланди.

Умуман тақдимот давомида 15 та соҳа бўйича бизнес лойиҳалар тақлим этилиб, шу ернинг ўзида 17 та тижорат банклари томонидан 250 та бизнес лойиҳага кредит сертификатлари топширилди.

"Энг яхши мутахассис" тақдимоти бўйича Самарқанд ахборот-коммуникация технологиялари коллежи битирувчиси Заршод Сафотуллаевнинг маҳорати олқишларга сазовор бўлди. У кўзи боғланган ҳолда 3 дақиқа ичида компьютернинг тизимли блок қисмларини йиғиб, 1-ўринни қўлга киритди. Ургут туманидаги Испанза



Ф. А. Харитонов

агротадбиркорлик ва сервис коллежи битирувчиси Исрол Зоҳидов тақдим этган тикувчилик-трикотаж йўналишидаги 50 дан ортиқ янги турдаги либослар моделлари экспертлар гуруҳи томонидан энг юқори баҳога сазовор бўлди.

605 нафар битирувчи иштирок этган ҳамширалик иши йўналиши бўйича Сўзгарон тиббиёт коллежи битирувчиси Азиза Аҳмадова муолажа жараёнидаги ёндашувларини инглиз тилида равои фодолаб бергани ёшларнинг иқтисодига ҳавас, эътиборни ўйотди десак, янглишмаймиз. Тақдимотда иштирок этган Самарқанд автомобилсозлик коллежи битирувчиларидан 20 нафарига "СамАвто" заводига, 10 нафарига эса "MAN" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасига қафолатли ишга қабул қилиш тўғрисидаги сертификатлар топширилди. Умуман, тадбир жараёнида фаол иштирок этиб юқори ўринларни эгаллаган, замонавий билим ва касбий кўникмаларини намоёиш қила олган 100 нафар коллеж битирувчиси шу ернинг ўзида иш берувчилар томонидан ишга қабул қилинди. Меҳнат бозоридаги рақобатни қаранг-ки, энди мутахассис иш жойини эмас, иш берувчи мутахассисни излаётти. Тақдимот пайтида Боғишамол саноат касб-хунар коллежи битирувчиси Юсуф Доновоев

га бирварақайига 3 та иш берувчи — Самарқанд шаҳри, Оқдарё ва Иштихон туманларидаги корхоналар раҳбарлари меҳнат шартномаси тузиш тақлифларини билдирдилар.

Вилоят ўрта-маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродилла Холмуродовнинг таъкидлашча, тақдимот меҳнат бозорида кичик мутахассисга бўлган талаб-эҳтиёждан янада чуқур харабдор бўлишга, иш берувчилар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтиришга ёрдам беради. Коллеж ўқувчилари касб-хунар ўрганиш баробарида фундаментал ва замонавий билим асосларини пухта ўзлаштириб бораётганликлари, ҳатто хорижий тилларда сўзлашиб, интернет янгиликларидан воқиф бўлишга ётгани яна бир муҳим ижобий ҳолат. Самарқандда фаолият юритаётган хорижий ва қўшма корхоналар ани шундай мутахассисга кўпроқ эҳтиёж сезишмоқда.

"Адолат" СДП аъзоси, вилоят Кенгаши депутати Самарқанддаги "СамАнтипилам" қўшма корхонаси раҳбари Камол Абдуллаев эса бу фикрни қувватлаб, шундай мулоҳаза юритади: — Тақдимот жараёнида кенг тарғиб этилган инновацион технологияларни ўзлаштириш гоёси партияимиз дастуридан алоҳида ўрин эгаллаган. Чун-

ки, инновацион янгиликдан харабдор, дунёқараш кенг мутахассис иқтисодиётда янгича сифат ўзгаришларини таъминлашга қодир. Асосан экспорт йўналишида фаолият юритаётган корхонамиз ҳар йили коллеж битирувчилари бўлган ўнлаб дизайнерларни, операторларни ва ғилам тўқиш ускуналарининг бошқа мутахассисларини ишга қабул қилмоқда. Коллежлар билан ҳамкорлик бизга бўлғуси мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини шакллантиришга ва олдиндан назорат қилиб боришга имкон беради.

Энди тақдимотнинг айримлар учун сабоқ бўларли жиҳатлари хусусида тўхталсак. Байрамон руҳдаги ўшбу тадбирда коллежлардаги машғулотларга мунтазам қатнашмайдиган 320 нафар ўқувчининг ота-оналари махсус тақлим этилдилар. Бу ерда қўрганлари хусусида хулоса чиқарганлардан бири — Самарқанд шаҳрининг Нақшбандий кўчасида истикомат қилувчи Камол Исмоилов шундай фикр юритди:

— Тақдимот менинг коллеж ҳақидаги тасаввуримни тубдан ўзгартирди. Коллежни битираётган ўғил-қизлар шу қадар чуқур билим ва маҳорат эгаси бўлиб етишяётганига шахсан ишонч ҳосил қилдим. Шу бугунқў ўғлим Шерзод Муродов ўзи ўқиётган коллежга қанда қилмай қатнаши, таҳсил олиши ва юриш-туришини доимий назорат қилиб бораман.

Тақдимотнинг фойдали жиҳатлари ҳақида бундан-да керакли ва самимий сўзларни айтиш қийин. Зотан ота-она ўз фарзандининг келажаги ҳақида қайғуради. Коллеж эса тинимсиз ўқитиш, касб-хунар ўргатиш ва яратувчанлик билан кадр топади.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Adolat" мухбири

Суратларда: коллеж битирувчиларининг тақдимот учрашувларидан лавҳалар.

«Адолат» мени қўллади

“Аёллар қаноти” ташаббуси ва Марказий банк кўмаги билан андижонлик аёлларга имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди

Давоми. Боши 1-бетда

Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари муттасил ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолига, аввало, ижтимоий эҳтиёжманд қатламлар ва кам таъминланган оилаларга давлат охириши вазифаси давлат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатнашишини таъминлаш.

«Обод турмуш йили» Давлат дастуридаги асосий вазифалардан бири хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва фаолиятини оширишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан ҳам бу масалалар алоҳида эътибор қаратилмоқда. Андижонда ўтказилган «2013 йил — «Обод турмуш йили»да хотин-қизларни ижтимо-

ий қўллаб-қувватлашда банк кредитларининг роли» мавзусидаги семинар-йўналишда ҳам юқоридагилар ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати вакиллари, Марказий банк ходимлари, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, партия сафидаги тадбиркор аёллар ҳамда ОАВ вакиллари иштирокидаги маъруза йўналишида республикамизда бугунги кунда хотин-қизларнинг фаолиятини янада ошириш ва жамиятдаги ўрнини юксалтириш ҳақида сўз борди. Бундай эътиборга жавобан хотин-қизлар турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётгани, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, оилавий бизнесни, касаначиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишдаги иштироки алоҳида қайд этилди.

Марказий банкнинг Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари Отабек Азизов мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Марказий банк томонидан «Ижтимоий ташаб-

«Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси истиклол йилларида жамиятда хотин-қизлар роли ва мақомини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиши қайд этади. Партия хотин-қизларга таоллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш тарафдори. Биз учун хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш ниҳоятда муҳимдир. Бу, ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат ва одолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилади».

Ўзбекистон «Адолат» СДП дастуридан

бусларни қўллаб-қувватлаш фонди», «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми», сиёсий партиялар, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ҳамда вилоят ҳокимликлари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилганлигини таъкидлади. «Адолат» партияси ғоялари атрофида жисплаган хотин-қизларнинг маъруз тадбир доирасида кўтариб чиққан бизнес режа-

лари ва ташаббуслари ҳам ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди.

Семинарда сўз олган вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Юнусова, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари М.Нисонова ҳамда О.Ахунова-лар хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш — обод турмуш гарови эканлиги, хотин-қизлар кўмиталари ва сиёсий партиялар ҳамкорлиги, банк

соҳасининг ҳуқуқий асослари ҳамда оилавий тадбиркорлик тўғрисида сўз юритдилар. Партия Марказий аппарати-нинг аёллар ва ёшлар билан ишлаш масалалари бўлими мудири М.Дадаходжаева партия «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросида тадбиркорликка эмас, балки амалий ишларга эътибор қаратаётганлигини таъкидлади.

— Партияимиз «Аёллар қаноти»нинг бу каби амалий тадбирлари «Адолат» СДП дастурий ғоя, мақсад ва вазифалари тарғиботи таъсирчанлигини таъминлашга, сафимизда сиёсий етук, фаол, ташаббускор аёлларнинг қўлайишига, энг муҳими, партияимизга бўлган ишончнинг ортшига хизмат қилади, — дейди М.Дадаходжаева.

Дарҳақиқат, семинарда партия ташаббуси ва Марказий банк кўмагида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи партиядош аёлларга имтиёзли кредит олиш учун 335 миллион сўмлик сертификатлар топширилгани фикримизнинг аққол исботидир.

— Шаҳрихон тадбиркорлар масканидир, — дейди шаҳрихонлик партиядошимиз, тадбиркор М.Мўйдинова. — Жумладан, шаҳрихонлик аёллар ҳам тадбиркорликда ўзига хос мактаб яратган. Мен ҳам 20

нафар аёллар билан болалар кийимларини тикиш билан шуғулланаман. Бугун партия ташаббуси билан 30 миллион сўм кредит учун сертификат олдим. Мақсадим фаолиятимизни янада кенгайтириш, маҳаллий ёшлар учун қўшимча янги иш ўринлари яратиш орқали партиянинг ижтимоий соҳадаги дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашидир.

— Бир неча йилдан буён яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаман, — дейди пахтабодлик Р.Машрабова. — Албатта, ишда моддий таъминот катта аҳамиятга эга. Тадбиркорлик фаолиятимни доимо қўллаб келаётган Ўзбекистон «Адолат» СДП Пахтабод туман кенгаши «Аёллар қаноти»нинг бугунги тадбири орқали яна бир муаммони ечишга эришдим. Банкнинг 5 миллион сўмлик кредити учун сертификат олдим. Бу билан фаолиятим кенгайиб, қўшимча янги иш ўринлари яратиш имконияти туғилади.

Таъкидлаш жоизки, 11 нафар ана шундай имкониятга эга бўлганлар орасида бу йил касб-хунар коллежларини таъмомлаб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўётган битирувчилар ҳам бор.

— Вилоят партия Кенгаши-

нинг «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан ташкил этилган қўллаб тадбирларда иштирок этганман. Бугунги тадбирга аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилганлигини эшитиб келгандим. Адашмаган эканман. Ўз бизнес режаларимни тақдим этиб, 3 миллион сўм имтиёзли кредит олиш имконига эга бўлдим, — дейди Қўрғонтепа туманидаги Қурилиш касб-хунар коллежи битирувчиси М.Мамирова.

Тадбирда ҳар бир тадбиркор партиядошимиз ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш бош мақсади эканлигини алоҳида таъкидлади.

Мухтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастури мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча муҳим йўналишларини қамраб олган. Унинг самарали амалга оширилиши эса, халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечирishi, мамлакатимиз равақли йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти
Кенгаши матбуот котиби

Ватан равнақи, тинчлик-тотувлик, халқимизнинг фаровон ҳаёти

Истиқлол йилларида қўлга киритган энг катта бойлигимиздир

Давом. Боши 1-бетда

Бу давр ичида мамлакатимиз янги мустақил давлат, жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тамойиллари, истиқбол режалари, мақсад-муддаоси аниқ жамият сифатида шаклланди ва эътироф этилди. Ҳар биримизнинг шахсий ҳаётимизда, оиламизда, маҳалламизда, меҳнат жамоамизда, илмий-иходий фаолиятимизда улкан ўзгаришлар юз берди, турмуш тарзимиз миллий ва умуминсоний қадриятлари билан бойиди. Янада муҳими, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида Ўзбекистон таналаган миллий тараққиёт йўлининг тўғри ва халқчиллиги амалий фаолиятимизда ўз исботини топди. Мустақил Ўзбекистон ўша йиллари айрим «башорат»чилар ўйлаганидек, миллий маҳдудликка берилмади, ўз қобилига ўралиб қолмади, аксинча, истиқлолнинг дастлабки кезларидан бошлаб, маърифий дунё сари интилди, илмий, техникавий тараққиётга юзланди. Халқнинг бой илмий, маънавий-маърифий меросидан баҳрамандлик имкониятлари яратилди. Мамлакатнинг буюк келажагини, миллий тараққиётни таъминлайдиган, озод ва обод Ватан шухратига шухрат қўшадиган янги ёш авлод тарбияси, таълим-тарбия уйғунлиги, инсон манфаатлари, оиланинг мустаҳкам ва муқаддаслиги, жамият ҳаётида маҳалла жамоатчилиги институтининг етакчи роли ва аҳамияти, оналик ва болаликни муҳофаза этиш,

аёлни улуғлаш каби масалалар устувор аҳамиятга эга бўлди. Бугун Ўзбекистон демократик янгилиниш ва тараққиёт йўлида ўзининг буюк келажаги сари дадиллик билан одимламоқда, иқтисодий салоҳияти мустаҳкамланиб бормоқда, халқимизнинг фаровонлиги, турмуш тарзи, харид қуввати ўсаяптир. Одамларнинг бугун дунё ҳавас қилаётган тинч-тотув ҳаёти, кўпмиллатли халқимизнинг ўзаро аҳлиноқлиги, дунёнинг ривожланган кўплаб мамлакатлари иқтисодий таназзул таъсиридан чиқиб олмай, ижтимоий муаммолар гирдобига дуч келиб турган бир пайтда, мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш барқарор давом этаётгани энг катта ва муҳим ютуқларимиздан бири десак, янглишмаган бўламиз.

Истиқлол йилларида ҳаётнинг оғир, қўтилмаган синовларига дуч келдик. Олдимизда собиқ тузумдан қолган мажруҳ иқтисодий қайта жонлантириш, таъминотдаги узилтишларни бартараф этиш, қисқа қилиб айтганда, бир пайтнинг ўзида ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, маданий-маърифий муаммолар ечими билан шугулланиш, мустақилликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, одамлар онг-шуурига янги жамиятнинг янги гоёларини сингдириш, халқнинг қадр-қимматини кўтариш, ор-номусини манфаатлари, оиланинг мустаҳкам ва муқаддаслиги, жамият ҳаётида маҳалла жамоатчилиги институтининг етакчи роли ва аҳамияти, оналик ва болаликни муҳофаза этиш,

тиқлол мафқурасининг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди. Бу тамойилларда ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, жамият ҳаётида қонун устуворлигига эришиш, қучли ижтимоий ҳимоя ва ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган эди. Янада муҳими, Ўзбекистон бу йилларда ўз кучи ва имкониятига, халқимизнинг буюк салоҳиятига, сабр-бардошига таяниб иш кўрди. «Биз бори-ни асраш ва йўғини яратиш йўлидан борамиз» деган ниҳоят муҳим даъватга амал қилганимиз, демократияга эришиш борасида сохта оёрбўга интилмаганимиз, пишиқ-пухта, узокни қўзлаб қарорлар қабул қилганини айни муддао бўлди.

Тўқсонинчи йилларнинг бошида вазият ўта мураккаб ва кескин эди. Эҳтирослар жунбушга келган, ваъзхонлик авжига чиққан, собиқ тузумнинг «ёғли» жойларидан ажраб қолганлар ўзларини ҳар ёққа ташлаб, воқеалар ривожига қайси томонга бурилишини зимдан қузатишарди. Қарорда таъкидланганидек, бу мураккабликларни халқимизнинг ақл-заковати, сабр-бардоши, ҳаётий тажрибаси ва, албатта, истиқлол гоёларига садоқати билан енгиб ўтдик. Ҳаётнинг ўзи биз таналаган йўлнинг тўғрилигини исботлади. Истиқлолимизнинг барҳаётлигига, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлишига, буюк келажақимизга бўлган қатъий ишонч, дунё эътирофи этган «ўзбек модели» ютуқларимизнинг бош омилли бўлди. Биргина мисол: 2008-2012 йилларда ялпи ички маҳсулот-

нинг йиллик ўсиш суръати 8,2 фоиздан кам бўлмади, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши мунтазам равишда таъминланди. Бундан атиги йигирма икки йил аввал мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг дастлабки қадамларига ишонқирамай қараганлар, истехзо қилганлар бугун ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётнинг қўлгина соҳаларида биз эришган ютуқларни, айтиш мумкинки — Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги ноёб тажрибасини, масалан, давлатнинг бу даврда бош ислохотчи бўлишини ўрганишга ҳавасманд бўлиб туришибди. Бу — бугунги мураккаб шароитда дунёнинг фақат айрим давлатлариёғина хос бўлган муваффақият ҳисобланади.

Истиқлол йилларида жамиятимизда амалга оширилган ишларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга, маъно-мазмунга эга. Қисқа вақт ичида янги демократик тизимнинг шаклланиши, халқимизнинг жамияти орзу-ис-такларига мос янги Конституциянинг қабул қилиниши, унда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро муносабатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилиши, бу муносабатлар орасидаги мутаносиб-ликни таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда кўппартия-вийликнинг юзага келиши, сиёсий партиялар фаолиятининг йўлга қўйилиши, партиялараро соғлом рақобат чиндан ҳам тарихий аҳамиятга эга.



Ҳар йили мустақиллик байрамини нишонлар эканмиз, ўтган бир йил ичида мамлакат бўлиб, жамият ҳаётида ва ҳар биримизнинг шахсий ҳаётимизда рўй берган ўзгаришларни сарҳисоб қиламиз. Давлатимиз раҳбарининг қарорида ўтган йиллар ичида қўлга киритган ютуқларимизни яна бир бор таҳлил қилиш, юрти-мизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмай-диган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улғу мақсадларни олдимизга қўйиб, бу марраларнинг нақадар буюк ва масъулиятли эканини чуқур тасаввур қилган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари бораётганимизнинг асосий омил ва мезонларини яна бир бор таҳлил қилиш, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ватан» деган ширин асосий гоё сифатида белгилаб, бу йўналишда олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларида кейинги йигирма икки йил ичида қўлга ки-

ритган, жаҳон ҳамжамияти эътирофи этган барча ютуқларимизнинг иҳодқори ва бунёдқори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, Ватан равнақи, халқимизнинг фаровон, тинч-тотув ҳаётга дахлдорлик туйғуси, киритган ютуқларимизни яна бир бор таҳлил қилиш, юрти-мизда мустаҳкамланиб бораётгани, мустақил тараққиёт йўлида қандай ютуқларга эришган ва эришяётган бўлсак, уларнинг барчасининг негизиде, аввал-лаббор, одамларимизнинг ўсиб бораётган сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги мужас-самлигини кўрсатиб беришга эришишимиз лозим.

Қарорда, шунингдек, ҳозирги кунда бизнинг қандай шиддатли ва нотинч замонда яшаётганимизни инобатга олган ҳолда, тинч ва осойишта ҳаёт учун курашиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиб, доимо оғох, сезгир ва маънавий уйғоқ бўлиб яшаш, энг катта бойлигимиз бўлиши, юрти-миздаги миллатлар ва фуқарола-

раро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ишларнинг маъно-моҳиятини очиб бериш ҳам бирламчи энг муҳим вазифалардан иборатлиги алоҳида таъкидланади.

Биз бугун, ҳаётимизда энг улғу ва энг азиз бўлиб қолган байрамимизнинг йигирма иккинчи йили арафасида шу тўғрисида ўйлар эканмиз, нечоғли қийин ва мураккаб йўлни босиб ўтганимизни, халқимизнинг пешонасига мустақиллик нури текканида мамлакатда, собиқ иттифоқ ҳудудида, дунёда қандай қалтис вазият мавжудлигини доимо ёдда тутишимиз зарурлигини ҳис эта-миз. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonаси-да» асарларини, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-лантириш Концепцияси»ни такрор-такрор мутлоаа қили-шимиз, партия аъзолари, ай-ниқса, ёшлар орасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишимизда, ўтказилаётган маъ-навий-тарбиявий тадбирларда улардаги ҳулоса ва кўрсатма-ларга қатъий амал қилишимиз лозимлигини англаймиз.

Собир ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикерининг
ўринбосари,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси раҳбари

Дастурий гоёлар рўёби йўлида электрат вакилларининг жипслиги ортмоқда

**Бошланғич ташкилот —
партия негизи**

Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсад ва вазифаларини кенг оммага тарғиб этишда жойлардаги партиядошларимизнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Хусусан, жиззахлик «адолат»чиларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни, партия дастурида белгиланган вазифаларни тарғиб этиш, ўз сафларини фаол аъзолар билан кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаётганликлари диққатга сазовордир.



Айниқса, партия дастурий гоёларининг рўёби йўлида электрат вакилларининг жипслиги ортиб, муштарак мақсадлар учун бошланғич партия ташкилотларига бирлашётгани кўзга келди. Жиззах шаҳридаги «Сайилжой» академик лицейида мақсадлари муштарак 20 нафар партиядошларимизнинг яқинда бошланғич ташкилотга уюшганлиги фикримиз далилидир.

— Куйи партия ташкилотимиз фаолларининг аҳоли саломамлиги, ёшларимиз таълим-тарбияси, маънавияти ва маърифати йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган педагог-

лар, зиёлилар, шунингдек, биллигига чанқок ёшлардан иборатлиги бизни янгидан-янги мақсадлар сари ундайди, — дейди БПТ етакчиси, лицейнинг тарих фани ўқитувчиси Жамолддин Рашидов. — Фаолларимизнинг бевосита халқ ичида эканлиги, электратимизни ўйлантираётган масалаларни яхши билишлари ижтимоий муаммоларни бартараф этишга оид тақлифларни илгари суришда қўл келади.

Куйи бугуннинг дастлабки фаоллар йиғилишида сўзга чиққан партиянинг янги аъзолари Д.Ҳакимова, Д.Умаров, И.Абдуллаева, Ш.Синдоровлар

жамиятда қонун устуворлигига эришиш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий саводхонлигини ошириш, уларни оммавий маданиятнинг салбий таъсиридан сақлаш, баркамол авлодни камол топтириш каби партия дастурий гоёларини амалга оширишда, аввало, фаолларнинг ўзлари шахсий намуна кўрсатишлари лозимлиги, ёшлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш ҳамда уларнинг партия гоёларига ишончини оширишда фаоллик кўрсатишлари зарурлиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Албатта, шаҳарда партиядошларимиз сафига кенгайиб бораётганлигининг бош омилли бу шаҳар партия Кенгашидаги депутатларининг самарали фаолияти ҳам десак, асло янглишмаган бўламиз, — дейди партиянинг Жиззах вилоят Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Р.Тўйчиев. — Чунки, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги 4 нафар депутатимиз ўз соҳасининг етуқ му-тахассиси ва партиямиздан сайланган халқнинг ишончли вакили сифатида электратимиз манфаати йўлида ибратли ишларни йўлга қўйишган. Қолаверса, бугун сафларимизда сиёсий жиҳатдан етуқ, партиямиз гоёларидан яхши ҳабардор, шижоатли, ўз мустақил фикрига эга ёшларимизнинг борлиги бизни қувонтиради. Бу эса барчамизни юртимиз равнақи, халқ фаровонлиги йўлида янада самарали фаолият юритишга ундайди.

Тадбир давомида БПТ аъзоларига «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда партия-миз дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросида фаол иштирок этиш, тарғибот тадбирларининг таъсирчан, самарали бўлишини таъминлаш юзасидан услубий ва амалий тавсиялар берилди.

Қосимбек РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Жиззах вилояти Кенгаши
«Ёш адолатчилар» қаноти раиси

Давом. Боши 1-бетда

Қонун лойиҳаси билан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Стандартлаштириш тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги, Хўжалик процессуал, Божхона, Солиқ кодексларига ва бошқа қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва ху-сурий тадбиркорлики янада ривожлантириш учун қулай иш-билармонлик муҳитини шакл-лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан иш-лаб чиқилган. Унда юридик шахслар учун солиқлар ва бош-қа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлма-ган молиявий санкцияларни бе-кор қилиш, айни бир вақтнинг ўзида такрорий қондабузарлик учун хўжалик юритувчи субъект-ларнинг мансабдор шахслари-га нисбатан маъмурий жавоб-гарлик чораларини икки бара-вар ошириш, шунингдек, бож-хона назоратининг охириги му-ддатини уч йил билан кечлаш, ҳамда товарлар божхона тоза-ловидан ўтказилган вақтдан бошлаб бир йил ўтганидан ке-йин божхона тўловларини қўшиб ҳисоблашни тақиқлаш-ни назарда тутадиган ўзгариш-ла ва қўшимчалар киритилмоқда.

Айниқса, қонун лойиҳаси аҳоли фаровонлигини янада ях-шилашга, ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, қонун лойиҳаси ногиронлар-нинг ижтимоий инфратузилма

объектларидан (турар жойлар, жамоат ва ишлаб чиқариш би-нолари, иморатлар ва иншоот-лар, соғлиқни сақлаш ва спорт объектлари, маданий-қўнгил-очар ва бошқа муассасалар-дан) тўққонлиқсиз фойдалани-шини таъминлаш бўйича маж-буриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликини қучайтира-ди.

Маълумки, адолатлилик гоёси, барчанинг қонун олди-да тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш «Адолат» партияси-дан сайланган депутатлар қонунчи-лик фаолиятининг асосий ва бош йўналишидир. Шу нукта-на назардан қонун лойиҳасида на-зарда тутилаётган қонун ҳуж-жатларини бузганлик учун бу-тун ташкилот эмас, балки аниқ айбдор мансабдор шахслар жавоб бериши назарда тути-лаётгани, айниқса, «Адолат» СДП фракцияси қарашларига мос келади. Бу тадбиркорлик субъектларида ташкилотлар мансабдор шахсларининг айби билан жарималар тўлаш тар-зидаги ортиқча сарф-харажат-лар қилишнинг олдини олиш, шу билан юридик шахслар мул-қдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини бера-ди. Бунда мансабдор шахс-ларнинг жавобгарлиги оширил-моқда ва юридик шахсларга ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари (фаолиятни, лицензияни тўхтатиб қўйиш, ту-гатиш ва ҳоказолар) сақлаб қо-линмоқда.

Қонун лойиҳаси ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун дав-лат ҳокимияти органларининг жойларда иш ўринлари ташкил этишга доир қарорларини ба-жармаганлик учун жавобгарлик қучайтирилмоқда. Шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таъли-ми ва олий маълумот олган ёки касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга, мала-ка оширишга юборилган, ил-

гари маълум қилинган шахс-ларни ишга қабул қилиш рад-этилган тақдирда жавобгарлик-ни қучайтириш ҳам назарда ту-тилаётир. Қонуннинг бу талаб-лари бажарилмаган тақдирда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгар-ликка тортилгани қонун лойи-ҳасида белгилаб қўйилмоқда. Хусусан, ушбу қонун лойиҳаси-га мувофиқ бўш иш ўринлари мавжуд бўлганда меҳнат бўйи-ча маҳаллий органлар йўллан-масига эга шахсни ишга қабул қилишни асоссиз рад қилган-лик мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш ба-раваридан етти бараваригача жарима солинишига сабаб бўлади. Бу ҳам партиямиз дас-турида белгиланган Ўзбекис-тоннинг ҳар бир фуқароси яхши ҳақ тўланадиган муносоиб иш топиш, яхши мутахассис бўлиш билан бирга, истаган пайтида ўз ишини ташкил этиш имко-нига эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги қарашларига тўла мос келади.

Мазкур қонун лойиҳаси ор-қали киритилаётган ўзгариш-ла ва қўшимчаларнинг яна бир му-ҳим жиҳати шундаки, истеъ-молчилар ҳуқуқларини янада мустаҳкам ҳимоя қилишни таъ-минлаш мақсадида товар иш-лаб чиқарувчиларнинг товарлар ва хизматлар сифати учун, яроқлилик мuddати тугаган то-варларни яроқлилик мuddатини кўрсатмай реализация қил-ганлик ва сотганлик учун жа-вобгарлик янада қучайтирил-моқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Рес-публикасининг Божхона кодек-сида божхона назоратининг охириги мuddатини уч йил би-лан кечлайдиган ҳамда товар-лар ишлаб чиқарилган вақтдан бошлаб бир йил ўтганидан ке-йин божхона тўловларини қўшиб ҳисоблашни тақиқлайди-ган норма жорий этиш назар-да тутилган. «Реклама тўғриси-да»ги Ўзбекистон Республика-



Умид ЖУМАНИЕВОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

си Қонундан реклама тўғриси-даги қонун ҳужжатларини теги-шинча равишда бузганлик учун реклама берувчилар, реклама ишлаб чиқарувчилар ва тар-қатувчиларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги нормаларни қика-риб ташлаш тақлиф этилмоқда.

Мухтасар айтганда, қонун лойиҳаси иқтисодиётни янада эркинлаштириш, аҳоли даро-мадларини изчиллик билан ошириш имконини беради. Шу нукта-на назардан қонун ло-йиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон «Адолат» СДП дас-турий гоёларидаги вазифалар-ни амалга оширишга хизмат қилади. Зеро, партиямиз дас-турида партия иқтисодий со-ҳадаги фаолиятини иқтисодий ўсиш натижаларини аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг турмуш сифа-ти ва даражасини оширишга адолатли йўналтирадиган бо-зор иқтисодиётининг ижтимо-ий йўналишини чуқурлашти-ришга қаратиши белгиланган. Шу боис, фракциямиз аъзола-ри мазкур қонун лойиҳаси партия мақсад ва вазифалари-га мослигини алоҳида таъкид-лаган ҳолда маъқуллайди ва уни янада такомиллаштириш-да фаол иштирок этади.

Партия ҳаёти

Замонавий механизмлар ва интерфаол усуллар

Семинар-тренинг

Мамлакатимизда сиёсий янгиликлар жараёнлари изчил давом этаётган айти даврада сиёсий партиялар ўз электорати манфаатларини мустақам ҳимоя қилиш, ҳалқ орасидаги нуфузини ошириш ҳамда бўлғуси сайловларга муносиб ҳозирлик кўриш учун ўз фаоллари ва депутатлик гуруҳларининг сиёсий-ҳуқуқий билим-кўникмаларини мунтазам ошириш, уларни жамиятни демократлаштиришнинг янги босқичи талабларидан хабардор этиб боришлари талаб этилмоқда.

Айни шу мезонлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари учун сиёсий ўқишлар ташкил этишда қўллаётган тажрибаси ўз самараларини бермоқда. Яъни, бундай тадбирларда замонавий механизмлар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш, минтақавий семинарлар ташкил этиш орқали ҳудудий партия ташкилотларининг ўзаро тажриба алмашинуви йўлга қўйиш ҳамда илғор тажрибаларни омаллаштиришга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Ана шундай сиёсий ўқишлардан навбатдагиси Самарқанд вилоят партия Кенгаши ва унинг «Ёш адолатчилар» қаноти ҳамда Тошкент шаҳар партия Кенгаши фаоллари иштирокида ташкил этилди.

Дастлаб тадбир иштирокчиларининг Олий Мажлис Сенатига ташрифи уюштирилди. Унда партия фаолларининг Сенат аъзолари билан «Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги депутатлик гуруҳларининг партия ташкилотлари билан ҳамкорлиги» мавзусида учрашуви бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М.Хўжамбердиев ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сессияла-

улар асосида ташкил этилаётган сиёсий ўқувлар ҳудудий партия ташкилотларининг ўзаро тажриба алмашинувида хизмат қилмоқда



ри ва доимий комиссияларига электоратни ўйлантираётган долзарб масалаларни олиб чиқишда депутатлик гуруҳларининг ваколатлари ҳусусида сўз юритиб, мавжуд тажрибани таҳлил қилиб берди.

Шунингдек, учрашувда ҳалқ депутатлари Чирчиқ шаҳар кенгаши депутати А.Самеджанов маҳаллий Кенгаш депутатлик гуруҳларининг фаолияти, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги иштирокини таъминлаш механизмлари тўғрисида атрафлича тўхталиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Самарқанд вилояти партия Кенгаши раиси ўринбосари М.Шарипова ҳалқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашида ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботи эшитувини ташкил этишда ҳудудий партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорлиги юзасидан тўпланган амалий тажрибалар ҳақида сўзлаб берди.

Учрашув давомида партия «Ёш адолатчилар» қанотининг Самарқанд вилояти, Тошкент

вилояти ва Тошкент шаҳар фаоллари бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ўз таклифларини Сенат аъзоларига тақдим этилди.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига депутатлар ва депутатлик гуруҳлари ваколатларини янада кенгайтириш билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритиш каби таклифлар шулар жумласидандир.

Қизғин савол-жавобларга бой бўлган учрашув давомида партия фаоллари Сенат аъзоларидан кўтарилган масалалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ҳамда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан сўнг, тадбир иштирокчилари Миробод туман партия кенгашининг «Темир йўлчилар сўғаш» қанотидаги БПТ фаолияти билан яқиндан танишиб, бошланғич ташкилот ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳамкорликдаги иш тажрибаларини ўргандилар. Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилояти, туман ва шаҳар кен-

гашлари раислари, «Ёш адолатчилар» қаноти ҳамда бошланғич ташкилотлар фаоллари учун ташкил этилган мазкур сиёсий ўқишда депутатлар ва партия ташкилотлари раҳбарлари ўзларининг амалий тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП Миробод туман кенгаши раиси Т.Матибаев бугун партия ташкилотлари олдидан турган энг муҳим вазифа фақат тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолмасдан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш юзасидан тегишли ташкилотларга сўровномалар юбориш ва ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига долзарб масалаларни киритишга эришиш, пировардидан аниқ амалий ишлар орқали сайловчилар ишончини қозонишдек муҳим масалалар турганлигини таъкидлаб ўтди. Аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришда фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фаол ҳамкорлик ўрнатиш катта самара бериш юзасидан ўз тажрибаларини сўзлаб берди.

Сиёсий ўқишнинг иккинчи кунда иштирокчилар Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида бўлиб, депутатлар, мутахассис ва экспертлардан бўлғуси сайловларга тайёргарлик ишларини жонлантириш, бу жараёнда сиёсий етук, партия электорати манфаатларини дадил ҳимоя қила оладиган кадрлар захирасини шакллантириш, уларни қонунчилигимиздаги

янгилик ва ўзгаришлардан доимий хабардор қилиб бориш юзасидан тегишли тавсияларни тинглаб, ўзаро фикр ва тажриба алмашишди.

Бундан ташқари, тадбир иштирокчилари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси мажлисида бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлишди.

— Икки кунлик мазкур тадбир бизга сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни янада ошириш, ҳудудлардаги амалий ишлар борасида партиядошларимиз билан ўзаро тажриба алмашиш ҳамда жойларда ўтказилган тарғибот-ташвиқот тадбирларини сифат ва мазмун жиҳатдан бойитиш, уларда янги сиёсий технологиялардан фойдаланиш лозимлиги юзасидан қимматли маслаҳатлар олдик, — деди Самарқанд вилояти партия Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси С.Ўртамурадов. — Айниқса, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари билан бўлган учрашув бизда катта таассурот қолдирди. Бу орқали биз мамлакатимиз қонунчилик тизими ва сиёсий жараёнлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдик.

Дарҳақиқат, бундай шаклда учрашувлар, сиёсий ўқишларни ташкил этиш, замонавий усул ва услублардан фойдаланган ҳолда партия фаолларини ўқитиш ўз ижобий самарасини бериши баробарида, партия фаоллари ҳамда етакчиларида масъулиятни орттириб, янада фаол, ишчан бўлишга ундайди.

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири



Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан «Партия аъзоларида партия позициясини мустаҳкамлаш ва партиявий фаолиятни кучайтириш йўллари» мавзусида ўқув курси ташкил этилди. Унда Нукус шаҳридаги БПТ етакчилари, шаҳар партия кенгаши аъзолари, кадрлар ва депутатлик захирасига олинган партия аъзолари иштирок этишди.

Давр талабига мос билим ва кўникма партия обрўсини юксалтиради

Таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик янгиликлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилаётган айти даврда аҳолининг кенг қатлами ўртасида сиёсий партиялар фаолиятига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шу боис, бўлғуси сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида аҳолининг фаол қатлами бўлган ёшларимизнинг кун сайин онгу тафаккури ва сиёсий билимлари юксалиб бораётганлигини, уларнинг ҳар бири давлат ва жамият қурилишида дахлдор шахслар эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

— Кадрлар захирасига олинган ва номзоди депутатликка лойик, деб топишган ҳар бир партия аъзолининг қалбида ўз партияси фойдаловди дастуридаги ҳояларининг ҳаёбахшилигига бўлган ишонч ва фахр туйғуларини уйғотиш, партия позициясини мустаҳкамлаш, партиявий топшириқларни бажаришга бўлган масъулиятини ошириш

да ҳудудий партия ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўқув курслари ўзининг ижобий самарасини бериши аниқ, — деди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидagi партия депутатлик гуруҳи аъзоси Д.Дошетов.

Шу билан бирга, тадбирда сиёсий партиялар фаолиятига оид адабиётлар ва Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий аппарати томонидан нашр этилган норматив ҳужжатлар кўргазмаси ташкил этилиб, улардан самарали фойдаланиш механизмлари ҳақида маслаҳатлар берилди.

Албатта, келгусида ҳар бир партия аъзосининг давр талабига мос билим ва кўникмага эга бўлиши аҳоли ўртасида сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шарипа ТОРЕШОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати котиби

Дастур доирасидаги вазифалар

Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши томонидан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмаси билан ҳамкорликда «Пластик картчокалар асосида нақд пулсиз ҳисоб» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда Давлат солиқ инспекцияси, Молия бoshқармаси, Марказий банк ва бир қатор тижорат банкларининг вилоят филиаллари вакиллари, мутахассислар, вилоят партия Кенгаши фаоллари ҳамда ОАВ ҳодимлари иштирок этиди.

Пластик картчокалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимидаги мавжуд муаммолар ечимининг амалий таҳлилига бағишланган йиғилишда партия дастурий ҳояларидан келиб чиқиб, бу борадаги муаммоларни бартараф этишда Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳлари олдидан турган вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар пластик картчокалар билан савдо қилиш тизими самардорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар юзасидан маълумот бердилар.

Айниқса, видеороликлар орқали жойларда аниқланган техник муаммоларни тўғаллигича бартараф этишга қаратилган тушунтиришлар, нуқтаи назарлар пластик картчокалар тизими аҳолига нақд пулли муомаладан кўра кўпроқ қулайликлар яратишини яна бир бор исботлаб берди. Ўз

ўрнида, айрим савдо шохобчаларида сотувчилар томонидан асоссиз электрон тўловларда нархларнинг оширилиши, техник носозликлар баҳона қилиниши каби истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари учраб турганлиги қайд этилиб, бу каби муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳусусида фикр-мулоҳазалар алоқадор ташкилотлар билан депутатлик гуруҳларининг жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда ҳамкорлиқни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Жойларда жамоатчилик назоратини жонлантириш юзасидан партиянинг Риштон тумани кенгаши раиси Г.Раҳмонова, Олтиариқ тумани кенгаши раиси М.Қазақов, Фарғона шаҳар кенгаши раиси Ш.Аҳмедова ва бошқалар кўтарилган масала юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Семинар давомида иштирокчилар соҳа мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Бахтиёр АЛИЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Фарғона вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Жамоатчилик назорати

фуқаролик жамияти ривожининг муҳим шарти

Партия фаолига кўмак

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг муҳим шарти, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш имкониятидир. Буни дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳаётида кўриш мумкин.

Жамоатчилик назорати ҳар бир кишида мамлакат ривожига, миллий юксалишга бевосита дахлдорлик туйғусини кучайтиради. Бундай назоратга эришилган жойда одамлар мансабдорлар, мутасаддилар, бошқарув органлари вакиллариноқ ноконуний ҳатти-ҳаракатларига, мансабларини суиистеъмол қилаётганларига, қонун талабларининг бузилишига ва шу каби бошқа салбий ҳолатларга бефарқ бўлмайди. Мамлакат қонунларида турли даражадаги раҳ-

барларнинг, жумладан, Қонунчилик палатаси аъзоларининг, вилоят, шаҳар ва туман кенгаши депутатларининг сайловчилар олдидан вақти-вақти билан ҳисоб бериши белгилаб қўйилган.

Жамоатчилик назорати собиқ тузум вақтидаги «давлат назорати», «ҳалқ назорати» нисбати остида фуқароларни доимий равишда кузатишдан, тирноқ тагидан кир ахтаришдан эмас, аксинча, ҳар бир одамга ишонч билдириш, ҳалқ, миллат олдидан

ги масъулиятини оширишдан иборат.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида жамоатчилик назорати бир неча йўналишларда ташкил этилади. Жумладан, мамлакатимиз Конституциясида давлат органлари ўз фаолиятдан жамоатчиликни доимий равишда хабардор қилиб туриш, фуқароларнинг турли сўров ва муножаатларига ўз вақтида, аниқ жавоб қайтариши белгилаб қўйилган бўлади. Иккинчидан, жамоатчилик назорати йўлга қўйилган жойда фуқаролар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолияти, турли йиғинлар, учрашувлар, жамоатчилик эшитувлари орқали мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига доир ўз қарашларини, танқидий фикр-мулоҳазаларини эркин-эмин баён қиладилар, муаммоларни ҳал қилиш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирадилар. Мустақилликнинг дастлабки қадамларидан

бошлабқ жамиятнинг муҳим бошланғич бўғини бўлган маҳалла институтига алоҳида эътибор берилганининг боиси ҳам шунда.

Жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратиш учун, аввало, жамиятда ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини эркин-эмин ифода этадиган ҳолис минбарга, жамият ҳаётининг ўзига ҳо кўзгусига айлантириш зарур. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи, Концепцияда айтиб ўтилганидек, «инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида муҳассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик

жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамаил тоши ҳисобланади».

Мустақиллик йилларида бу борада самарали ишлар қилинди. Оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолиятини, сўз эркинлигини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган қонунчилик базаси яратилди. Муҳими шундаки, бу йўналишда қабул қилинган қонунларнинг барчаси умумхалқ муҳокамасидан ўтди. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса одамларнинг ўзлари истаган ахборотни ҳеч бир монеликсиз олиш, айтиш чоғда, ахборотни муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги ҳавфсизлигини таъминлаш имконини берди.

Аммо эътироф этиш керакки, матбуот фаолияти самардорлигини таъминлаш борасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, демократик матбуот, бироқ навбатда, ҳолис ва ҳалқчил минбарга айланиши керак. Матбуотдаги фикрлар хилма-хиллиги — бу миллий тараққиёт йўлида белгиланган мақсад-муддаога етишининг хилма-хил йўллари демакдир. Биз бугун дунёнинг ривожланган, тараққий топган давлатлари сафидан мустаҳкам ўрин олаётган, жаҳон майдонига дадил чиқаётган эканмиз, оммавий ахборот воситалари ҳодимлари, журналистлар бу борадаги масъулиятларини асло унутмасликлари керак.

Ҳаётнинг бугунги тезкор шиддати, жамоатчилик назорат функциясини бажариш журналистлардан ҳам касб маҳоратларини муттасил ошириб боришни, мамлакат, миллат, жамият олдидан турган энг муҳим, долзарб вазифаларни янада теран идорқ этишни талаб этмоқда. Шу маънода, Ўртбошимизнинг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-

лиги тўғрисида» қонун қабул қилиш ва бу борада Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳуқуқий эксперимент ўтказиш таклифи жамиятимизда демократик тамойилларни янада мустаҳкамлаш, матбуот ва сўз эркинлигини янги сифат босқичига кўтариш пайти етилганидан далолат беради.

Жамоатчилик назоратини йўлга қўйишнинг яна бир тури мамлакат миқёсида қабул қилинаётган қонунлар лойиҳасини тайёрлашда жамоатчиликнинг фаол иштироки ҳисобланади. Очиқ эътироф этиш керакки, биз бу имкониятга мустақиллик туфайлигина эга бўлдик. Ҳар қандай қонунда ҳалқ манфаатлари ўз ифодасини топар экан, бу борадаги ташаббускорлик ва фаоллик юртдошларимизнинг ҳуқуқий маданияти, миллий тараққиётда дахлдорлиги тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Тошмўлат МАТИБАЕВ,
ҳалқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгаши депутати

Маҳалла — демократия дарсхонаси

Кучли фуқаролик жамияти сари

Асрлар давомида халқимизга хос ноёб ўзини ўзи бошқарув идораси сифатида шаклланиб келган маҳалла институтини ривожлантириш, унинг жамиятдоги ролини кучайтириш ва қонуний ваколатларини кенгайтириш истиқлол йилларида давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мўҳими, соҳадаги ушбу ислохотлар "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилидан кўзланган улғувор мақсадларнинг рўёбга чиқишида муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол маҳаллани демократик қадрият ва тамойиллар қарор топган мўтабар маскан сифатида тобора ривож топишига, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, маҳалла "демократия дарсхонаси" вазифини тўлиқ ўташига кенг ташкилий-ҳуқуқий имкониятлар яратилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ҳамда роли оширилишини таъминладиган чора-тадбирларни назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш гоёси илгари сурилган эди. 2013 йилнинг 22 апрелидан ушбу тақлифлар асо-

сида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунининг янги тахрири кучга кирди.

5 боб ва 33 моддадан иборат бўлган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонун ушбу йўналишдаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, пировардида маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини юксалтиришга қаратилганлиги билан гоёат аҳамиятлидир.

Қонун бир қатор янги моддалар билан тўлдирилганлиги, амалдаги қўллаб қoидаларнинг мазмун-моҳияти муайян даражада ўзгариши орқали қуйидаги учта йирик вази-фаннинг ечимига йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Биринчидан, фуқаролар йиғинлари ра-



Ойбек ТУРҒУНОВ,
Тошкент давлат юридик институти доценти,
юридик фанлар номзоди

ислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг роли ва масъулиятини янада ошириш; иккинчидан, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул бўлган органларнинг ваколатларини аниқлаштириш, улар ўртасида вертикал алоқани ўрнатган ҳолда ваколатларини чегаралаш; учинчидан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодида қўйиладиган талабларни янада қучайтириш.

Жумладан, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг

маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатларини белгилаш" деб номланган 10-модда ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссия" деб номланган 11-моддадаги янги қoидалар орқали фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларида ҳокимият вакиллик органлари, энг аввало, Олий Мажлис Сенатининг роли ва масъулияти янада оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, қонуннинг янги тахририга киритилган янгиликлар, аввало, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг демократия талабларига мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлашга қаратилганлиги ҳам аҳамиятга молик. Масалан, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга масъул бўлган органларнинг ваколатларини аниқлаштириш ҳамда улар ўртасида узвий алоқани таъминлаш билан боғлиқ нормалар белгиланди.

Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи ваколатлари юзасидан ҳам муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Авваллари мазкур ишчи гуруҳи амалиётда қўпин-

ча фуқаролар йиғини кенгаши қарори билан тузилар эди. Қонуннинг 14-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, эндиликда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи фақат фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан тузилади.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришнинг яна бир муҳим йўналиши бу — фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) этиб энг муносиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ва аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган фуқароларнинг сайланишини таъминлаш.

Ана шу мақсадда, фуқаролар йиғинини бошқаришда янгича фикрлайдиган, фидойилик кўрсатиб, қийин дамда масъулиятни ўз зиммасига оладиган, катта ҳаётий тажрибага, одамлар билан ишлаш ва мулоқот қилиш кўникмасига эга, маҳаллада обрў-эътибор қозонган, ҳалол, ташаббускор ва ватанпарварлик қонида жўш уриб турган фуқароларни йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари этиб сайлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, қонунга киритилган янгиликлар, хусусан, фуқаролар йиғини раиси лавозимини учун номзодларга қўйиладиган талаблар билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар маҳаллада яшайдиган ҳар бир фуқарога улкан масъулият қолаши табиий.

17-моддада кўра, фуқаролар йиғини раиси лавозимини учун

кўрсатилган номзодларга қўйиладиган талаблар янада қучайтирилди. Хусусан, ушбу лавозимга номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, сайловга камиди беш йил шу ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тadbиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши тўғрисида қўшимча талаблар қўйилди. Муҳим ўзгаришлардан яна бири сайлов муқобиллик асосида ўтказилишидир. Яъни фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан ортиқ номзодлар кўрсатилади. Шунингдек, номзодлар сайлов бошланишидан олдин фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) ўз дастурини эълон қилади.

Фикримизча, маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилигига номзодлар учун талабнинг қучайтирилиши беҳиз эмас. Зеро, жорий йилда бўлажак сайловларда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб кишиларнинг сайланиши юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг шу ҳудудда ўз ифодасини топишига замин яратди.

Янги тахрирдаги мазкур қонун маҳалла ҳаётида демократик тамойил ва қадриятларни қарор топтиришга хизмат қиладиган бир қатор янги нормалар билан тўлдирилганлигини таъкидлаш лозим.

Фуқаролар йиғини раиси

(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови яқинини чиқаришда фуқаролар йиғинида яшайдиган фуқароларнинг айримлари овоз беришда иштирок этмаслиги мумкинлигини инобатга олиб, қонуннинг 26-моддасига ҳам ўзгариш киритилди. Эндиликда фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқаролар эмас, балки овоз беришда қатнашганларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси лавозимига сайланган ҳисобланади.

Умуман, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуни маҳалла сайловини очик, ошкора ва демократик руҳда ўтказиш ҳамда юртимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мустахкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг олдимизда, янги тахрирда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига, айниқса, ёшларга тушунтириш, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда фуқаролар йиғинлари ҳодимларининг фаоллиги ва масъулиятини ошириш, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, фуқаролар йиғинлари ҳодимларининг ҳудудий профилактика инспекторлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустахкамлаш йўналишларида жиддий ишлаш каби муҳим вазифалар турганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Диққат танлов!

«Энг улуг, энг азиз»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокomпания, "Ўзбекистон" Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин овоз ва фаровон ҳаётимиз, турмуш-йўналишимиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азиз» анъанавий танловига тақлиф этади.

Танловга «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган шиорни асосий гоё сифатида ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган ижодий ишларда:

мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, истиқлол юртимизда яшайдиган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилли эканлиги кенг очиб берилган;

халқимиз ўтган даврда ўзининг мустахкам иродасини, қатъият ва матонатини, истиқлол гоёларига садоқатини намоён этиб, ҳақон майдониди муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган;

тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган олижаноб даъват истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину динёнатиимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, қишлоқ аҳлига муносиб турмуш шароитини яратиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ўз аксини топган;

халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишонч мустахкамлаиб бораётгани, юртимиздаги миллатлар ва фуқаролар араҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжihatлик муҳити, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатининг миллий манфаатларга жавоб берадиган стратегик устувор йўналишлари, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ижобий самаралари ифодаланган бўлиши зарур.

"Энг улуг, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ҳодимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2012 йилнинг 1 августидан 2013 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намоийш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов гоҳлилари Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Бола кулсин дунёда

Тиббиётда инновация

Бола кулгуси билан гўзалдир дунё. Унинг биргина табассуми ота-оналарнинг мушкулни енгил қилгандек бўлади гўё. Болажон халқимиз дунёга келажак боланинг тўрт муҳаси соғ, эсли-хушли тўғилишини ният қилишда ҳикмат кўп.



Надоматлар бўлсинки, ора-мизда боласининг табассумидан баҳраманд бўла олмайдиган ота-оналар ҳам учрайди. Сабаби фарзанди халқимизда бўриданга, кўёноғиз деб аталувчи юз, лаб, бурун ёриғи сингари тўғма касалликларга дучор бўлган. Бундай беморларга махсус муолажа ва муомила талаб этилади.

Мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантиришда, болаларда учрайдиган касалликларни даволаш, уларнинг олдини олишда Тошкент Педиатрия Тиббиёт институти ва институт қошидаги клиниканинг ўрни бекиёс. Хусусан, юқорида номи тилга олинган тўғма касалликларни даволаш, уларга тегишли муолажаларни амалга оширишда клиникадаги Пластик хирургия бўлимининг хизмати катта.

Шу кунларда бўлимининг малакали профессор-шифокорлари Кореянинг Ёнсе университетида келган ҳамкасблари билан ҳамкорликда 37 нафар турли даражадаги нуқсонга эга болаларни операция қилиш билан банд. Улар сингари махсус тўғма ёрик касаллига учраган, балки қуйишдан талофат кўрган беморлар ҳам ўрин олган.

— Яқинда "Сен ёлғиз эмассан" Жамоат фонди ташаббуси билан Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида хиндистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда "Болаларга табассум" акцияси остида 61 нафар лаб ёриғига эга болаларда операция ўтказдик, — дейди бўлим

партияси аҳолининг кенг қатламларида кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдорли эканлиги ва соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишда ўз иштирокини янада қучайтиришга хисса қўиш истаги борлигини, шу боис пластик хирургия соҳасида учраётган қандай муаммо ва камчиликлар борлиги билан қизиқдик.

— Гап шундаки, пластик хирургия нафақат бизнинг мамлакатда, балки Марказий Осиё мамлакатларида янги тиббий тармоқ ҳисобланади. — дейди шифокор биз билан суҳбатда. — Тор доирадаги тиббий муассасалар, ихтисослаштирилган марказлар ташкил этилаётган бир пайтда республикамиздаги тиббий олийгоҳларда пластик хирургияга оид алоҳида факультет ёки кафедра ташкиллаштирилиши давр талаби, деб ҳисоблаймиз. Сабаби, бу соҳада малакали шифокорлар етишмаяпти. Беморлар сонини эса кўпчиликини ташкил қилади. Бундан ташқари, гемонгиома деб аталувчи касаллиқни халқона тилда айтганда тиг теккизмасдан даволаш имкониятини берувчи махсус лазерли ускуна олиб келиниши беморларга ҳам, шифокорларга ҳам бирмунча қулайлик туғдирар эди.

Юртимизда тиббиёт соҳаси-



ва операция ўтказилишини айтишганда — дейди операциядан муваффақиятли чиққан, Фаргона вилояти, Қува туманидан келган Абдукаримов Қудратилланинг онаси Шохидат Тўрғунова. — Шифокорлар кўригидан ўтказилган ўғлим шу кунгича операция қилинди ва натижадан жуда ҳам хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, барча шифокорларга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Шифокор билан суҳбат қурав эканмиз, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик

Лицензия олишни унутманг!

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ер қаъридан фойдаланиши билан боғлиқ масалаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, «ер, ер ости бойликлари, сув, эсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумимиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».

Ҳозир мамлакатимизда 1,7 мингдан ортиқ кон мавжуд. 235 углевод, қарийб 620 чучук ва минерал ер ости сувлари, олти юздан зиёд қурилиш материаллари конлари шулар жумласидандир. Хорижий ва маҳаллий сармоядорларга фойдали қазилмаларни геологик излаш ва қазиб олиш имконини берадиган меъёрий-ҳуқуқий база яратилган.

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун ер қаъридан фойдаланишга, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 2 мадаги «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори номаъдан ва умумий тарқалган фойдали қазилмаларни кичик бизнес субъектларига фойдаланиш учун беришга оид масалаларни ўз ичига олган. Тadbиркорлар тажриба-саноат йўсинида фойдали қазилмалар қазиб олиш, ярқирама тош хомашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекцион материаллар намуналарини тўплаш, геологик жиҳатдан ўрганиш каби мақсадлар учун ер остидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензиялар олиши мумкин.

Нилуфара ОЧИЛОВА

Африка балиғи Ўзбекистонда

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Туркистон Улугбек бизнес» масъулияти чекланган жамиятида Африка лаққасини мамлакатимиз иқлим шароитига мослаштириш ва ундан юқори сифатли парҳез маҳсулот олиш йўлга қўйилди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Малайзиядан Африка лаққасининг тўрт юз дона чавоқчасини олиб келиб, ҳаво ҳарорати 10 даражадан паст бўлганда уларни иссиқлик тизимлари ўрнатилган ҳовузларда парваришланмоқда. Иссиқсевар ушбу балиқнинг вазни олти ойда 3 килограммдан ошди. Ҳопбуки, дўнгешона балиқнинг вазни 1,5 килограммга етиши учун бир йил зарур бўлади.

Африка лаққасидан бир кубметр сувда 300 килограммгача маҳсулот етиштириш мумкин. Синов даврида ушбу балиқни октябр-январга оқиб, кейин эса ёпиқ ҳавзаларда парваришлаш яхши самара бериши аниқланди. Ҳозир ҳўжаликда мингтадан кўпроқ балиқ парваришланмоқда.

Африка лаққаси ёз ойларида тез ривожланади. Сувсизликка чидамли бўлиб, қўроқда ҳам 47 соатгача яшай олади. Озуқа танламайди. Гўшти ширин, қилтаноксиз, вазни 60 килограммгача етади.

“Жиззах полимери” додруғи

Жиззах туманидаги “Жиззах полимери” масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 500 миллион сўмликдан ортиқ 50 турга экин полиэтилен қувурлар ва плёнкалар ишлаб чиқарилди.

— 14 кишилик жамоамиз билан биргаликда ҳар ойда 100 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотларни республикамизнинг турли ҳудудларидаги буюртмачиларга етказиб бераёлмиз, — дейди жамият раҳбари Хайрулла Омонов. — Яқинда банкнинг 800 миллион сўм кредити ва ўз маблағимиз ҳисобига хитойлик ҳамкорлар билан пойиҳа қиймати 447,5 минг АҚШ долларига тенг бўлган 2 та технологияни етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик.

Мазкур пойиҳалар амалга ошгач, полиэтилен маҳсулотлар тури ортиши баробарида маҳаллий бозор учун янгилик ҳисобланган ёғоч ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ

Саодат ЖАББОРОВА,
“Adolat” муҳбири

Сув полоси юлдузлари

Болалар спорти

Ўзбекистон Болалар спорти ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг шу йил 15 март кuni бўлиб ўтган йиғилишида Юртбошимиз мамлакатимиз спортчилари сўнгги йилларда сув спорти турлари бўйича кўплаб халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришаётгани, энг қувонарлиси, ушбу спорт турида қизларимиз орасидан ҳам ёш чемпионлар етишиб чиқаётганлигини фахр билан тилга олдилар. Мисол учун, Малайзияда ўтказилган синхрон сузиш мусобақаларида спортчи қизларимиз 4 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритишди. Наманган вилоятининг ўсмирлар ва қизлар жамоалари эса ватерпол бўйича Малайзияда бўлиб ўтган халқаро беллашувда биринчи ўринни эгаллашди.

Дарҳақиқат, бугун бутун мамлакатимизда бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам болалар спортига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ерда спортнинг бошқа турлари каби сув спорти, айниқса, ватерполга иштиёқманд ёшлар кўп.

Наманган шаҳрининг Давлат-обод даҳасидаги 23-ихтисошаштирилган Болалар ва ўсмирлар олимпия захираси спорт мактабига яқинлашганингиздаёқ бу ер иқтидорли спортчилар маскани эканлигини пайкайсиз. Эшикдан кириб-чиқаётган ўғил-қизлар, ҳавзаларда давом этаётган ватерполчилар машқи, ҳақамнинг тез-тез чалинаётган ҳуштаги овози шундан далолат беради. Тренажёрлар зали ҳам ёш спортчилар билан гавжум. Улар мураббийлари раҳбарлигида жисмоний тайёргарлик даражасини оширмоқдалар. Қайта тетиклаштириш хонасида эса сузувчилар навбатдаги машқдан сўнг хордиқ чиқариб, яна куч тўпламоқдалар.



Биз ҳикоя қилаётган мазкур спорт масканига қарийб ўн беш йилдан бери тажрибали мутахассис Равиль Вишняков раҳбарлик қилади. Ўзи кўп йил республикамизнинг турли ватерпол жамоаларида ўйнаган. Сув спорти турлари сирларини жуда яхши билади. Бу ерда ишлайдиган мураббийлар ҳам назария ва амалиётни пухта ўзлаштирган мутахассислардир. Шунинг учун ҳам наманганлик спортчилар мамлакат биринчиликларида, халқаро мусобақаларда, қўтга ва ҳатто жаҳон чемпионатларида ҳам

Айниқса, ватерпол бўйича мураббийлар — Альберт Шамсидинов ва Анастасия Сковланнинг шогирдлари қўлга киритаётган юқори натижалардиқатта сазовордир. Фикримизни исботлаш учун мисолларга мурожаат этамиз. Ўтган йилнинг 3-10 декабрь кунлари мактаб тарбияланувчилари — 1996 йилда туғилган ёшлар ва қизлардан таркиб толган Наманган шаҳри жамоаси Малайзия оқик чемпионатида қатнашиб қайтди.

Шуни айтиш лозимки, ҳамюртларимиз ўзларининг

“Обод кўнгил — обод юрт” танловига



маҳоратлари, пухта жисмоний, техник ва тактик тайёргарликларини намойиш этиб, мутахассисларни ҳам, мухлисларни ҳам лол қолдирдилар. Мусобақаларда мезонларнинг Мелака, Паханг, Куала-Лумпур каби шаҳарларининг шарафини ҳимоя қилган олти жамоа қатнашди. Наманганлик ватерполчи йигитлар ва қизлар барча рақибларини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгалладилар. Мазкур муваффақиятга Ҳумоюн Қодиров, Илёбек Саримсоқов, Марлен Нурсаидов, Бехзод Мирхоликов, Дилхумор Мансурова, Моҳинур Аҳмаджонова, Зарина Жамолдинова, Хуринос Қаҳҳорова каби спортчиларимиз катта ҳисса қўшдилар.

Ватерполчилар ҳузурида бўлганимизда ёш спортчилар

ча, бунда болалар спорти ривожлантириш, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш ва мусобақаларнинг мукамал тизими жорий этилганлиги ҳал қилувчи омиллардан бўлди. Энди йигит-қизларимиз қўтга ва жаҳон спорт майдонларида эришаётган юқори натижаларга келсак, бу сиёсий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак. Айниқса, мустақиллик қўлга киритилгандан кейин халқимизнинг барча соҳалардаги салоҳияти ва имкониятларини юзага чиқариш муҳим эди ва ҳаммаси биз тўғри йўлдан бораётганлигини кўрсатиб турибди. Эндиликда спортнинг оммавийлиги таъминлангани аста-секин юқори малакали спортчилар тайёрлашга шарт-шароит яратмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, яқин ўтмишнинг ёдига оладиган бўлсак, спорт билан шуғулланувчилар орасида маҳаллий миллат ёшлари кам бўларди...

Ёш спортчилар билан суҳбатда бевосита сув полосининг тарихи, қоидалари, ўзига хос томонлари ҳақида маълумотлар ҳам олдик. Юзаки қараганда оддий кўрингани билан XIX аср охирларида Буюк Британияда таомилга киритилган бу йўлнинг мураккаб томонлари кўп экан. Биринчи навбатда, у спортчилардан кучли жисмоний тайёргарликни талаб этади.

— Ҳар сонияда ўзгариб турадиган вазиятни ўз вақтида тўғри баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга, — деб ҳикоя қилади Бехзод Мирхоликов. — Ўйин соф вақти саккиз дақиқалик бўлибдан иборат. Жамоа таркиби дарвозабон билан бирга етти киши бўлади. Жамоалар тўпни қўлга киритган, уни ўттиз сония ўзларида ушлаб туришлари ва дарвоза томонга зарба беришлари мумкин.

Ҳикояни Моҳинур Аҳмаджонова давом эттирди. Унинг айтишича, сув полосида йўлнинг турли фақат бир қўлда ушлалари рухсат этилади. Дарвозабон бундан мустақилол. Сузганда тўпни сув устида суриб бориш лозим. Фақат тўпни тасарруф қилаётган йўлчиюна ҳужум қилиш мумкин. Бошқаларни ушлаш, тортиш ёки чўктиришга уриниш тақиқланади. Қўпол хатога йўл қўйган ватерполчи йигирма

секундга ёхуд рақиб ҳужуми тугагунга қадар ҳавзадан чиқариб юборилади...

Мураккаб ўйин ҳисобланган сув полосини мана шу ўспирин йигит-қизлар пухта ўзлаштириб, нафақат мамлакатимизда, балки халқаро мусобақаларда ҳам ўзларини кўрсатаётганликларига, Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётганликларига тан бермай илож йўқ.

Дарвоқе, яқинда Наманган шаҳрида ёшлар ўртасида рес-публика оқик биринчилиги бўлиб ўтди. Унда қатор хорижий давлатлар вакиллари иштирок этдилар. Наманганлик ватерполчилар ёмон қатнашмадилар. Йигитлар иккинчи, қизлар учинчи ўринни эгалладилар.

Бугунги кунда Наманган ватерпол мактаби шон-шувратини ошираётганлардан бири — Зиёда Тешабоева шаҳардаги олимпия захиралари спорт коллежида ўқийди. Ўтган йил охирида Ўзбекистон терма жамоаси таркибиде Австралида ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида иштирок этиб қайтди.


— Мен оддий ўзбек оила-сида туғилиб ўсдим ва спорт билан дўстлашганим туфайли турли мамлакатларга сафарлар қилдим, — дейди у. — Давлатимиз, шахсан Юртбошимизнинг халқимизнинг жисмоний ва маънавий камолоти ҳақидаги беқиёс ғамхўрликлари биз ёшларда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Энг муҳими, ўзимизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимизга, орамизда юксак истеъдод эгалари ниҳоятда кўплигига ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Спорт мамлакатда оммалашаётганлигининг энг аҳамиятли натижаларидан бири шу бўлса керак.

Биз бу масканда сув спортининг бошқа турлари ҳам ривож топаётганлигига гувоҳ бўлдик. 360 нафар болалар 24 гуруҳда машғулотларда қатнашмоқда. Ватерполдан ташқари синхрон сузиш, сувга сакраш, эшак эшиш билан шуғулланаётганлар ҳам талайгина. Улар ҳам йилдан-йилга мусобақаларда тобора юқори натижаларга эришмоқдалар.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Наманган вилояти Кенгаши
матбуот котиби

АҚШ ва ЕИ савдо пакти

Европа Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида эркин савдо зонасини яратиш режалари мана бир неча йилдирки амалга оширилмай келмоқда. “Катта саккизлик” таркибига кирувчи давлат раҳбарларининг Шимолий Ирландияда бўлиб ўтган саммитида “тарихдаги энг катта икки томонлама савдо битими”ни имзолаш режалари тўғрисида музокара олиб борилди.



Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмерон сузларига қараганда, бу битим иқтисодиётдаги ўсиш суръатларини ва экспортни рағбатлантиришга хизмат қилади. Кэмероннинг фикрича, ушбу шартноманинг имзоланиши бошқа шунга ўхшаш битимларнинг ҳаммасини бирга қўшиб ҳисоблаганда ҳам жаҳон иқтисодиғи унингдек катта таъсир кўрсата олмайди.

АҚШ президенти Барак Обама ҳамда Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида “Бундай имконият бир

неча ўн йиллар давомида бир мартаба юзага келиши мумкин ва бу имкониятдан унумли фойдаланиш ниҳоятда зарур”, дея фикр билдирилди. Анжуман қатнашчилари ушбу битимнинг Европа Иттифоқида 160 миллиард доллар, Америка Қўшма Штатларида 125 миллиард ва дунёнинг бошқа давлатларида 135 миллиард доллар миқдорида фойда келтиришини айтишмоқда. Бу эса ўз навбатида икки миллионга иш ўрнини яратиш имконини бериш билан бирга нархларнинг пасайишига ҳам олиб келади.


Мия микроархитектураси

Америка Қўшма Штатларидаги кўпчилик илмий марказларнинг олимлари биргалашиб, нейронлар қон томирларига мулк олоқаси йўқ, деган ҳулосага келдилар. Сичқоннинг бош мия қобиғи ўрганилганда капиллярлар асаб тоалари жамланган устунчаларга ҳеч қандай таъсир ўтказмаслиги маълум бўлди.

Нейробиологлар томирларини ранг берувчи флуоресцент бўёқ билан тўлдирган ҳолда сичқон миёсини кўпгина ингичка кесмаларга ажратиб чиқишди. Тасвирларнинг махсус таҳлилий тизимидан фойдаланиб, улар капиллярларнинг ўлчамли тармоғини қайта тиклашди ва сўнгра унинг устига асаб ҳужайралари тармоғини қўйишди. Қўйилган ҳолда, нейронлар вертикал устунчаларга жамланган бўлиб чиқди, аммо бундай устунчаларнинг кўпи бирорта ҳам қон томирига мос келмади. Тадқиқот муаллифларининг айтишича, қон томир тармоғининг топологияси нейронал устунчаларга боғлиқ эмас.


Бу кашфиёт фақатгина назарий аҳамиятга эга эмас, дея таъкидлашмоқда олимлар. Қон томирларининг асаб ҳужайралари билан алоқаси йўқлиги бўйича олинган ҳулоса шуниси билан аҳамиятлики, бирорта қон томирида ҳосил бўлган тромб энди осонликча таҳ-

лил қилиниши мумкин ва бу таҳлил мия фаолиятининг ўткир ва сурункали бузилишларини тадқиқ этишда жуда асқотди. Масалан, ўткир бузилиш инсультни келтириб чиқарса, сурункали бузилиш деменция ёки хотира пасайишига олиб келади. Демак, хотира пасайиши асаб тоаларига эмас, балки қон томирларига боғлиқ бўлган касалликдир.



Граффитиларга қарши кураш

Тўнги безорилар ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадида “Дрон” деб аталувчи жажжи вертолётларга инфрақизил камералар ўрнатиладиган бўлди.



Германиянинг Deutsche Bahn темирйўл компанияси тунда ва-гонларга граффитилар (беадаб ёзувлар) ёзиб қолдирадиганларга қарши курашиш учун митти вертолётчалардан фойдаланишга қарор қилди. Тўнги безориларнинг хатти-ҳаракатлари дронларга ўрнатилган инфрақизил камералар ёрдамида тасвирга олинди ва олинган маълумотлар уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Deutsche Bahn компанияси вакилининг таъкидлашича, ушбу ки-чик ҳажмдаги вертолётчалар тез

кунларда баъзи бир деполарда синодан ўтказилади. Бироқ бундай дронлардан фойдаланиш Германиянинг шахсий ҳаётга аралаш-ишдан ҳимояланиш тўғрисидаги қонунларига зид келиб қоли-ши масаласи ҳам кўндаланг бўлиб турибди.

Ҳар йили Deutsche Bahn граффитиларга қарши курашиш учун 7,6 миллион евро миқдорида ор-тиқча маблағ сарфлайди. Сино-дан ўтказиладиган вертолётчалар атиги 60 минг евро туради ва қилининг таъкидлашича, ушбу ки-чик ҳажмдаги вертолётчалар тез

Мобиль ишсизлар

Ангела Меркель ёшларни ўз юртини ташлаб чиқиб кетиш ҳисобига бўлса ҳам иш қидириб топишга даъват этмоқда.

Германия канцлери Ангела Меркель ўзининг журна-листларга берган интервьюси-да евроҳудуддаги давлат-ларнинг 3,6 миллиондан зиёд ишсиз ёшлари ўзлари-га муносиб иш топишлари учун мобиль (кўчувчан) ва мослашувчан бўлиши лозим, дея таъкидлади. “Албатта, ёшларимиз ёмаган сомсаси-га пул тўлаши — адолатсиз-лик, аммо найлож бошқа чора қолмаганидан кейин

баъзан кескин қарорлар қабул қилишга ҳам тўғри ке-лади”, дейди канцлер. Бир пайтлар Шарқий Германия-да ишсизлик авж олган вақт-ларда кўплаб ёш немислар юртини ташлаб чиқиб бошқа мамлакатларга бориб иш то-пишга муваффақ бўлганлик-ларини эсга олди Меркель.

Греция ва Испанияда ҳукм сураётган ишсизлик муаммо-си ҳақида тўхталар экан Гер-мания канцлери ушбу мам-

лакатларнинг олиб бораёт-ган қатъий бюджет сиёсати-ни маъқуллади. Шарҳловчи-ларнинг “Бу давлатлардаги антигерман намоишларга қандай қарайсиз?” деган са-волига Меркель хоним қўй-идагича жавоб берди: “Бун-дай намоишлар фақат мана шу давлатлардагина эмас, балки Германиянинг ўзида ҳам бўлиб ўтмоқда. Сиёсат-чи сифатида биз бу намои-шларни нормал ҳолат деб қабул қилишимиз, намоиш-чиларга қарши эмас, мавжуд муаммоларга қарши чоралар кўришимиз лозим”.



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ибн Сино халқаро фондига (янги таҳрирда Ибн Сино жамоат фон-ди) 20.09.1999 йилда берилган №53 рақамли гувоҳнома йўқол-ганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сўнгги саҳифа

Аюб ШАҲОБИДДИНОВ:
“Бугунги қаҳрамон —
маънавий етук ва кучли шахс”

Таҳририят меҳмони

Бугунги суҳбатдошимиз ёш бўлишига қарамай, яратаётган фильмлари юксак эътироф ва қизиқишларга сабаб бўлаётган интилувчан, истеъдодли режиссёр Аюб Шаҳобиддиновдир. Режиссёр билан унинг ижоди ва бугунги кино санъати ҳусусида суҳбатлашдик.

— Авваламбор, Сиз саҳна-лаштирган “Паризод” фильми яқинда Нью-Йоркда ўтказилган халқаро кинофестивалда, ўтган йили эса Россиянинг Ана-па шаҳридаги “Киношок” фести-валдада юқори баҳо олди. Шундай пайтларда ҳаёлингиз-дан нималар кечди? Нима учун айнан “Паризод” юксак эъти-рофларга сазовор бўлди?

— Тўғриси айтсам, шун-дай даражадаги баҳога сазо-вор бўламиз, деб ўйламаган эдим. Эришилган ютуқларнинг аниқ омилини ҳақида бирон нарса дейиш қийин. Агар бунди билганимизда эди, ҳар бир фильми суратга олишда шун-дай услуб ва йўналишга амал қилган бўлар эдик.

Шахсан менинг фикримча, биринчи навбатда, сценарий муаллифи Эркин Аъзамнинг поэтик-реализм услубида ёзилган асариди бир томон-дан реал ҳаётга, иккинчи то-мондан бадиий рамазларга му-рожаат қилингани, одамлар-нинг “Пари қиз”га муносабати тимсолида уларнинг ҳаётга, бир-бирларига нисбатан дах-лдорлик туйғуси, меҳр-оқибат-нинг йўқолаётгани, мўъжизага ишонмай қўйилаётгани нафа-қат бир миллат ёки мамлакат-га, балки умумбашариятга те-гишли муаммо эканлиги халқ-аро мутахассисларнинг юқори баҳолигига сабаб бўлди, де-сам адашмайман.

Фильми суратга олиш жа-раёнига тўхталадиган бўлсак, бизнинг олдимизда қандай қилсак, асарнинг маъно-маз-муни сақланиб, уни томоша-бинга муносиб тарзда кўрса-тиб бериш мақсади ётган эди ва ўйлаймизки, биз кўзлаган мақсадимишга етдик.

Шу ўринда таъкидлаш жо-изки, фильм кўплаб кинотан-қидчилар, киношуносларнинг эътиборига тушди, ҳатто улар-нинг айримлари фильм шакли жиҳатидан фестивалга мос эмас, услуби ва муҳити жиҳа-тидан камтарин ишланган, де-ган фикрларни ҳам билдириш-ди. Айни пайтда “Киношок” фести-валда ҳакамлар ҳайъа-ти раиси ҳисобланган машҳур

драматург Владимир Войно-вичининг фикрлари ҳеч ҳам ёдимдан кўтарилмайди. Унинг “Айнан шу вазиятда фильми суратга олишдаги тажрибанинг катта-кичиклиги ҳам, унга сарфланган маблагнинг миқ-дори ҳам муҳим эмаслиги аён бўлди. Муҳими, “Паризод” фильми томошабиннинг юрак-юрагига етиб бора оладиган фильм эканлигида, шунинг учун ҳам барчамиз ушбу фильми бир овоздан маъқу-ладик”, деган гаплари ҳануз-гача эсимда.

Нью-Йоркда ўтказилган фести-валнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда баҳони ҳайъат



аъзолари эмас, балки оддий томошабинлар қўйишади ва ҳар бир номинация бўйича энг кўп овозга эга бўлган фильм-га ғолибликни кўлга кирита-ди. Томошабинлар тақдим этилган 25 фильм орасидан “Паризод”га энг яхши режис-сура номинацияси бўйича ғолибликни муносиб кўришган экан, бундай юксак эътироф ва баҳодан хурсанд бўлдим, айни пайтда бундай муваффа-қиятлар биз, ижодкорларда ўз-ўзига бўлган талабчанликни оширади, деб ўйлайман.

— Ёшлигинида режиссёр бўлиш ниятини билдириб, таниқли кино ижодкорларга мактуб йўлагансиз, деб эшит-ган эдик. Ана шу мактубингиз-даги сатрлар ёдингизми?

— Тўғри. Мактубимда асо-сан кино устаси бўлиш учун нималарга эътибор қаратиш, қайси олийгоҳда таҳсил олиш керак каби саволларни ёзган эдим. Ижодкорлар телевиде-ние орқали саволимига атроф-



лича тушунтириш беришганди. Ҳанузгача ёдимда, Санъат инсти-тутига кириш имтиҳонлари-ни топириш мақсадида олий-гоҳга келиб-кейтиб турганимда режиссёр Мунаввара Абдулла-ева билан яқиндан танишиб, уларнинг фикрлари билан қизиққандим ва улар менга, авваламбор кўпроқ китоб му-толаа қилишга, асарни обдон таҳлил қилишга одатланишим кераклигини айтгандилар.

— Халқимиз азалдан санъат-севар халқ. Бироқ сўнги пайтларда халқимизга ҳавола этилаётган фильмларнинг аксарияти қайнона-келин муносабатини кўрсатишдан нарига ўтмаяпти. Бундай фильмлар бир марта кўришса ярайди, холос. Яхши драматур-гия ва режиссура этишмаёт-гандек... Айнан сиз фильми суратга олишда нималарга эътибор қаратасиз?

— Сценарий танлашга та-лабчанлик билан ёндашаман. Баъзан яхши асар топишим учун жуда кўп вақт кетади.

Авваламбор, сценарий са-водли, тушунарли ёзилган бўлиши керак. Айни пайтда су-ратга тушириш учун тайёр ҳолда ёзилмаган бўлиши ме-нинг қизиқишимни орттиради, сабаби мен режиссёр сифа-тида асарни ўқиб, уни қандай, қаерда тасвирга олиш жараё-ни ҳақида бош қотиришни, ҳа-ёлот дунёини ишга солиб, асарни кадрга туширишда ўз услубимда ишлашни маъқул кўраман.

Шахсан мен тижорат студия-ларида олинган бўладими, “Ўзбекино” Миллий агентли-ги буюртмасига асосан бўла-дими, қилаётган ишимга бир-дек масъулият ҳамда қуч-ғай-рат билан ёндашаман. Бироқ давлат фильмларига нисбатан тижорат фильмларида ҳисси-ётларга кўпроқ бериламан.

— Сизнинг режиссёрлигин-гизда суратга олинган “Телба”, “Ўтов”, “Кечиккан ҳаёт”, “Паризод” фильмларини томо-ша қилар эканмиз, бош қаҳра-монларининг кўчилиги оғир-вазмин, камгап инсонлар эканлигининг гувоҳи бўламиз. Сўнги пайтларда халқимизга тақдим этилаётган тижорат фильмларининг аксариятида комик қаҳрамонлар, ҳолатлар намоён этилиши оммалашган бир пайтда фильмларингиздаги жиддийлик томошабинларни зериктиришдан қўчмайисизми?

— Агар ижодкор, айниқса, кинорежиссёр ўз фильмининг томоша қилиниш-қилинмасли-гидан қўчиб фаолият юритса, ўз услуби ва ўрнини, маълум маънода ўзлигини йўқотиб қўйиши мумкин, деб ўйлайман.

Қаҳрамонларимнинг хулқ-атвориға тўхталадиган бўлсак, дарҳақиқат, уларнинг аксари-яти камгап, камсуқум, интра-верт инсонлардир. Айнан шун-дай қаҳрамонларнинг ўзига

яраша дарди, ички кечинма-сини томошабинга ҳавола этишни яхши кўраман. Мен учун киноқаҳрамон — маъна-вий етук ва кучли шахс. Шу сабабли баъзан қаҳрамоннинг фикрини, ички оламини унинг ортиқча гап-сўзларисиз ҳам кўрсатиб беришга одатланган-ман. Негаки, томошабин фильми кўриб, ўзи хулоса чи-қариши, таҳлил қила олиши, керак бўлса, ундан ўрнат оли-ши ёки аксинча, у қилган ха-тони қайтармаслиги керак.

— Ушбу фильми ёш актёр ва режиссёр Ёқуб Аҳмедов би-лан биргаликда суратга тушир-дик. Фильмда ҳамкасбим бош қаҳрамонлардан бирини ижро этди.

“Турист”да ўзига яраша му-аммолар гирдобиди ўралашиб қолган ёш қизнинг ҳаёти тас-вирланган. Шундай кунларнинг бирда аэропортда тўсатдан бир йигит билан танишиб қолади ва уни турист деб фаҳмлайди. Йигит ҳам қизга ростини айтмасдан ўзини ту-рист деб кўрсатаверади ва бу орада ёшлар бир-бирларига кўнгил қўйишади...

Романтик-мелодрама жан-рида суратга олинган ушбу фильмда нафақат ишқ-муҳаб-бат тафсилотлари, синовлари, балки гиёҳвандлик сингари ил-лат, унинг оқибатлари ҳам қораланган. Ўёғи томошаби-ларнинг ҳукмига ҳавола.

— Самиий суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдираман. Сизга янги-янги ижодий ютуқ-лар тилаб қоламиз.

— Фурсатдан фойдаланиб, газета ходимларини яқинла-шиб келаётган касб байрам-лари билан чин дилдан таби-рлайман.

— Раҳмат.

Давлат буюртмасига асосан суратга олинган фильмларим эса анча босиқ, вазмин харак-терга эга бўлади.

— Одатда, ижодкорлар фуқаролик бурчини теранроқ ҳис этишади, воқеликка баҳо беришда ҳам бошқаларга ибрат бўлишади, дейишади. Бизни ҳам сизнинг “Адолат” партияси ҳақидаги фикрингиз қизиқти-ради.

— Бу масалада бошқаларга ибрат бўлмасам керак... Бир-иккита ҳамкасбларим би-лан қизиқарли суҳбатлар чиқ-қан экан, газеталарингизни олиб келиб қўлишди. Шундан буён “Адолат”ни мунтазам бўлмаса ҳам ўқиб тураман. Партияга келсак, менга унинг сафида зиёлилар кўпчилиги маъ-қул бўлди. Назаримда, ҳар қандай жамиятда ҳам зиёли-лар ўз сўзларини айта олиш-лари учун бирлашишлари та-биий ҳол. Мана шу маънода мен партиянинг келажаги ёрқин бўлишига умид билди-риб қоламан.

— Яқинда премьераси бўлиб ўтган “Турист” фильмингиз ҳақида тўхталсангиз.

— Ушбу фильми ёш актёр ва режиссёр Ёқуб Аҳмедов би-лан биргаликда суратга тушир-дик. Фильмда ҳамкасбим бош қаҳрамонлардан бирини ижро этди.

“Турист”да ўзига яраша му-аммолар гирдобиди ўралашиб қолган ёш қизнинг ҳаёти тас-вирланган. Шундай кунларнинг бирда аэропортда тўсатдан бир йигит билан танишиб қолади ва уни турист деб фаҳмлайди. Йигит ҳам қизга ростини айтмасдан ўзини ту-рист деб кўрсатаверади ва бу орада ёшлар бир-бирларига кўнгил қўйишади...

Романтик-мелодрама жан-рида суратга олинган ушбу фильмда нафақат ишқ-муҳаб-бат тафсилотлари, синовлари, балки гиёҳвандлик сингари ил-лат, унинг оқибатлари ҳам қораланган. Ўёғи томошаби-ларнинг ҳукмига ҳавола.

— Самиий суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдираман. Сизга янги-янги ижодий ютуқ-лар тилаб қоламиз.

— Фурсатдан фойдаланиб, газета ходимларини яқинла-шиб келаётган касб байрам-лари билан чин дилдан таби-рлайман.

— Раҳмат.

Саодат СОДИҚОВА,
“Adolat” муҳбири

Диққат, танлов!

чоршанба кун соат 15-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

Танловга тегишли ташкилотлар томонидан тавсия этилган ишлар йўлланма хати билан қуйида-ги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим эти-лади (йўлланма хатда муаллифлар ва уларнинг ижодий фаолияти тўғрисида ҳам маълумот бери-лиши лозим):

- танловда кўриб чиқиш учун тавсия этилаёт-ган материал(лар);
- муаллиф(лар) ва у(лар)нинг илмий раҳбар-лар(лар)и паспорт нусхаси.

Танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдир-лаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида амалга оширилиб, улар-нинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танловга тақдим этилаётган ишлар “Журналис-тика — ижодий фан” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга тоширилиши лозим:

100047, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси,
70-уй, 5-хона. Тел. 233-79-23.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

ОАО “2-Автобус саройи”

Срочно производит приём водителей категории “Д” с оплатой 800 000 сумов в месяц в возрасте до 60 лет с городской пропиской на автобусы марки “Мерседес-Бенц”, “Исузу”.

А также кондукторов с оплатой 350 000 сум.

За справками обращаться по телефонам: 296-32-60, 296-55-52

Наш адрес: ул. Паркентская, 263.



Билимлар
беллашуви

Давоми. Боши 1-бетда

Якуний босқич фанлар ке-симиди иккига бўлиб ўткази-лади. Булар:

- 14-15 июнь кунлари аниқ ва табиий-ижтимоий фанлар-дан (жами 265 нафар ўқувчи);
- 27-29 июнь кунлари фи-лология фанларидан (жами 257 нафар ўқувчи).

Мактаб ўқувчилари ўртаси-да ўтказилувчи билимлар бел-лашувининг якуний Республи-ка I босқичи Чилонзор туман-идаги Республика ихтисос-лаштирилган Мусиқа ва санъ-ат академик лицейида бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими ва-зирлиги, Халқ таълими бош бошқармаси масъул ходими-лари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Билимлар беллашувининг нуфузи мактаб ўқувчилари орасида йилдан-йилга ошиб бормоқда, — деди Халқ таъ-лими вазири ўринбосари А.Холбеков. — Бунди биргина беллашувда иштирок этиш ис-тагани билдирган ўқувчилар сонининг йилдан-йилга ошиб бориши мисолида ҳам кўри-шимиз мумкин. Билимлар бел-лашуви-2013 танловларида ўтган йилга нисбатан 690 минг нафар кўп ўқувчи иштирок этди. Шунингдек, Халқ таъли-ми вазирилик томонидан би-лимлар беллашувини юқори савияда ва адолатли таъкил этиш мақсадида жорий йилда қатор ўзгаришлар амалга оши-рилди. Жумладан, билимлар беллашуви ўтказиладиган фан-лар сони 10 тадан 16 тага оширилди (немис, француз тиллар, ҳуқуқ ва иқтисод фан-лар қўшилди), ёзма иш, лабо-ратория машғулоти, хори-жий тиллар бўйича ёзма ва оғзаки мулоқот кўникмалари-ни ривожлантиришга қаратил-ган назорат турлари киритил-ди, билимлар беллашуви иш-тирокчилари учун саволлар банки яратилиб, уларнинг мах-фийлиги таъминланди, билим-лар беллашуви ўтказилган аудиторияларда ота-оналар вакиллари иштироки таъмин-ланди, билимлар беллашуви-ни ўтказиш ва текшириш жа-раёнларига ўқувчиси иштирок этимаган педагоглар жалб қилинди, беллашувлари тақдими эътиш бўйича мето-дик тавсиялар, назорат ма-териалларининг намуналари

ишлаб чиқилиб, вазирликнинг интернет тармоғидаги расмий www.uzedu.uz сайтига жойлашти-рилди.

— Мусобақада Тошкент ви-лоятдан 15 та фан йўналиши бўйича 37 нафар 5-8 синф ўқувчилари иштирок этмоқда, — деди Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси давлат таълим стандарти мониторинг бўлими бошлиғи Гулмира Утегенова. — Вилоят мактаб-ларида ҳам фан олимпиада-лари катта эътибор қарати-лаётгани боис, мазкур мусо-бақада бизнинг ўқувчилар ўз тажрибаларини бир неча йил-дан бери кўрсатиб, олдинги ўринларни эгаллаб келишмоқ-да. Масалан, Паркент тумани-даги 1-умумтаълим мактаби-нинг 8-синф ўқувчиси Маҳму-дов Абдумўмин 3 йилдан бери география фани бўйича, Бўстонлиқ туманидаги 44-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Хушбахт Жума-боев математика фанидан ва Пискент туманидаги 2-умум-таълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Саида Ортиқбоева сонининг йилдан-йилга ошиб бориши мисолида ҳам кўри-шимиз мумкин. Билимлар бел-лашуви-2013 танловларида ўтган йилга нисбатан 690 минг нафар кўп ўқувчи иштирок этди. Шунингдек, Халқ таъли-ми вазирилик томонидан би-лимлар беллашувини юқори савияда ва адолатли таъкил этиш мақсадида жорий йилда қатор ўзгаришлар амалга оши-рилди. Жумладан, билимлар беллашуви ўтказиладиган фан-лар сони 10 тадан 16 тага оширилди (немис, француз тиллар, ҳуқуқ ва иқтисод фан-лар қўшилди), ёзма иш, лабо-ратория машғулоти, хори-жий тиллар бўйича ёзма ва оғзаки мулоқот кўникмалари-ни ривожлантиришга қаратил-ган назорат турлари киритил-ди, билимлар беллашуви иш-тирокчилари учун саволлар банки яратилиб, уларнинг мах-фийлиги таъминланди, билим-лар беллашуви ўтказилган аудиторияларда ота-оналар вакиллари иштироки таъмин-ланди, билимлар беллашуви-ни ўтказиш ва текшириш жа-раёнларига ўқувчиси иштирок этимаган педагоглар жалб қилинди, беллашувлари тақдими эътиш бўйича мето-дик тавсиялар, назорат ма-териалларининг намуналари

Билимлар беллашувида ишти-рок этган ўқувчиларни рағбат-лантириш ҳамда энг илғор таж-рибаларни оммалаштириш мақ-садида Республика босқичида қатнашган барча ўқувчилар Тош-кент вилоятидаги “Ёзги интеллект-туал ривожлантириш оромгоҳи”-да дам олишади. Оромгоҳда би-лимлар беллашувида ўқувчиси муваффақиятли иштирок этган 50 нафар ўқитувчи ҳам жалб қилинади. Мазкур оромгоҳда юртимизнинг етакчи профессор-ўқитувчилари, таниқли шоирлар, маданият ва санъат ходимлари-ни жалб этган ҳолда фан ке-чалари, мастер-класс ўрашувлар-и, викториналар, шырхонлик ке-чалари, турли танлов ва мусо-бақалар ўтказилади.

“Ёзги интеллектуал ривож-лантириш оромгоҳлари” рес-публиканинг барча ҳудудидида ташкил этилиб, уларга белла-шувининг вилоят босқичида 2-ва 3-ўринларни олган ўқувчи-лар (жами 1040 нафар) жалб қилинади. Қолаверса, улар-нинг ўқитувчилари моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

Феруз ЖўРАЕВ,
“Adolat” муҳбири



ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳаёти: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамажон ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қолір ЖўРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҲМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия тушуни ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, хатлар ва ширкятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маънавий-адабий бўлими 288-46-64 (151); Кабулхона — 288-42-23, 288-46-64 (141) факс; Копибиэт — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Ф.ЭСОНОВ. Навбатчи — И.САХАТОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк» тоғи» кўчаси, 23-уй. info@adolatgzi.uz adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ— 600. Ҳақми — 4 босма табоқ. Обфет усулида босилган. Кўзга бичими А-2. Адади — 12320 Босишга топириш вақти — 21.10 Босишга топирилди — 00.10

1 2 4 5

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2011-5237

1772013521001

“Журналистика — ижодий фан”

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фуқаролик жамият шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорликда журналистика ва ахборот соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг илмий асосларини янада такомиллаштириш, юксак савияда илмий-амалий фаолият кўрсатаётган мутахассисларни рағбатлантириш, соҳанинг назарий ва амалий йўналишларини ривожлантириш, журналистлар ва талабаларда илмий ва ижодий салоҳиятни шакллантириш ҳамда соҳа кадрларининг малакаси ва маҳоратини ошириш мақсадида

“Журналистика — ижодий фан” танловини ўтказди.

Мазкур танлов йўналишлари қуйидагича:

- журналистика ва ахборот соҳаларининг фун-даментал ва илмий-амалий асосларини ривож-лантириш бўйича энг яхши илмий тадқиқот иши;
- журналистика соҳасида тайёрланган энг яхши илмий асар, ўқув-услубий адабиёт ва илмий-амалий-таҳлилий мақола ҳамда соҳанинг амалий-ижодий йўналишлари бўйича материал;
- ОАВ учун кадрлар тайёрлаш ва журналист-ларнинг малакасини оширишда салмоқли ютуқ-

ларга эришган намунали маҳорат мактаби, ижо-дий марказ ва ўқув лаборатория раҳбари;

- журналистика ва ахборот соҳалари бўйича энг яхши магистрлик иши муаллифи ва илмий раҳбари.

Танловга журналистика ва ахборот соҳалари-да 2012-2013 йилларда нашр этилган илмий асар-лар, ўқув-услубий адабиётлар, илмий-таҳлилий мақолалар, магистрлик диссертациялари ва бош-қа тегишли материаллар 2013 йилнинг 1 ноябри-гача ташкилий қўмита томонидан ҳар ҳафта

ЭЪЛОН

“2-Автобус саройи” ОАЖ

“Мерседес-Бенц”, “Исузу” русумли автобусларга “Д” тоифага эга 60 ёшгача, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган ҳайдов-чиларни ишга тақлиф қилади. **Ойлик иш ҳақи 800 000 сўм.**

Шунингдек, чиптачиларни ҳам ишга тақлиф қилади. **Ойлик иш ҳақи 350 000 сўм.**

Мурожаат учун телефонлар: 296-32-60, кадрлар бўлими 296-55-52

Манзил: Паркент кўчаси, 263.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

ОАО “2-Автобус саройи”

Срочно производит приём водителей категории “Д” с оплатой 800 000 сумов в месяц в возрасте до 60 лет с городской пропиской на автобусы марки “Мерседес-Бенц”, “Исузу”.

А также кондукторов с оплатой 350 000 сум.

За справками обращаться по телефонам: 296-32-60, 296-55-52

Наш адрес: ул. Паркентская, 263.